Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 54 (3552)
2 ПАЙШАНБА
МАРТ 1978 й.
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлади
Баҳоси 2 тийин

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

22 апрель—коммунистик шанбалик куни

ЯХШИ АНЪАНА

Москвадаги саноат корхоналари коллективларининг 22 апрель куни пролетариат доҳийси В. И. Ленин туғилган кунининг 108 йиллиги шарафига Бутуниттифоқ коммунистик шанбалиги ўтказиш ташаббусини «Ташкентвино» комбинати коллективи яқдиллик билан қўллаб-қувватлаяпти. Шу муносабат билан корхонанинг барча цехлари ва филиалларида ишчи ва инженер-техник ходимларнинг митинглари, йиғилишлари бўлиб ўтди. «Меҳнат маданияти ва эстетикаси бўйича СССРда энг яхши цех» номини олган вино қуюв цехида бўлиб ўтган митингда бригада бошлиғи Л. И. Егорова коллектив фикрини ифодалаб шундай деди:

— Улуғ доҳиймиз В. И. Ленин туғилган кунда Бутуниттифоқ коммунистик шанбалиги ўтказиш яхши анъана бўлиб қолди. Бу шанбаликлардан тушган маблағ шифохоналар, мактабгача болалар муассасалари, санаторийлар қурилишига сарфланаётганлиги ҳаммамизни жуда қувонтиряпти. Шунинг учун ҳам бригадамиз аъзолари навбатдаги шанбаликка юз фоиз қатнашиб, унумли меҳнат қилишади. Смена давомида 2 минг декалитрдан ортиқ вино маҳсулотлари ишлаб чиқарамиз. Шу кунги ҳамма иш ҳақимизни беш йиллик фондига ўтказамиз.

Навбатдаги шанбаликда комбинат бўйича жами 700 дан ортиқ киши қатнашиб, 64 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқаришади, 2900 сўм иш ҳақи беш йиллик фондига ўтказилади. Инженер-техник ходимлар корхона территориясини ободонлаштириш билан шуғулланиб, 1500 погон метр ариқни, 6 гектар майдонни тозалашади, 700 тўп дарахт оқлашади, 10 тонна металлом йиғишади, 500 тупга яқин дарахт ва гул кўчатлари ўтқазишади.

ТОНГГИ ГАЗЕТАЛАРДА

⊙ КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Совети «1978 йилда кўкламги дала ишларига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишга доир қўшимча тадбирлар тўғрисида» қарор қабул қилдилар. Мазкур қарорнинг баёни бугун газеталарда эълон қилинган.

⊙ 1978 йил 27 февралдан 1 мартгача Будапештда социалистик мамлакатлар коммунистик ва ишчи партиялари Марказий Комитетлари секретарларининг халқаро масалалар ва идеология масалаларига бағишланган навбатдаги кенгаши бўлиб ўтди.

Кенгаш қатнашчилари ўз партияларининг ғоявий-сиёсий иши тўғрисида бир-бирларига ахборот бердилар. Шу соҳада ва халқаро масалалар юзасидан ҳамкорлик қилиш тўғрисида фикрлашиб олинди.

Кенгаш амалий, дўстона вазиятда, тенг ҳуқуқлилик, ўзаро ҳурмат ва интернационал бирдамлик руҳида ўтди.

⊙ 28 февраль куни Москвада СССР Журналистлар союзи правлениесининг пленуми бўлиб ўтди. Пленум КПСС Марказий Комитети декабрь Пленуми қарорларини қизғин маъқуллади, уларни оммавий информация ва пропаганда воситалари ходимларининг жанговар амалий фаолият программаси сифатида қабул қилди.

⊙ Маҳаллий газеталарда «Беш йилликнинг улкан марралари» сарлавҳаси остида Ўзбекистон ССР қурилиш, монтаж, лойиҳа ташкилотлари ва қурилиш индустрияси корхоналари меҳнаткашларининг 1978 йил учун социалистик мажбуриятлари эълон қилинган.

Бригаданинг беш йиллик топшириғи кам ишчи кучи билан бажарилади

Ўзбекистон КП Тошкент шаҳар комитетида

СВЕРДЛОВСКЛИКЛАР ТАШАББУСИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАНДИ

ШАҲАР ҚУРИЛИШ ВА МОНТАЖ ТАШКИЛОТЛАРИ ИЛҒОРЛАРИНИНГ СВЕРДЛОВСК ОБЛАСТИДАГИ ПЕШҚАДАМ БИНОКОРЛАР ВА МОНТАЖЧИЛАР БРИГАДАЛАРИНИНГ БЕШ ЙИЛЛИК ТОПШИРИҚЛАРИНИ КАМ ИШЧИ КУЧИ БИЛАН БАЖАРИШ ТЎҒРИСИДАГИ ВАТАНПАРВАРЛИК ҲАРАКАТИНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ БЎЙИЧА ТАШАББУСИ ТЎҒРИСИДА

Тошкент қурилиш, монтаж ва лойиҳа ташкилотлари, бинокорлик саноати ва қурилиш индустрияси корхоналарининг ишчилари КПСС XXV съездида ўнинчи беш йиллик учун белгилаб берилган шаҳарни социал-иқтисодий жиҳатдан тараққий эттириш планини амалга оширилишига муносиб ҳиссаларини қўшишмоқда. Ўтган йили кўплаб саноат корхоналарида янги ишлаб чиқариш қувватларига ишга туширилди, уй-жойлар, мактаблар, мактабгача болалар муассасалари қуриб, фойдаланишга топшириш бўйича мажбуриятлар адо этилди. Шу кунларда меҳнат коллективларида ўнинчи беш йилликнинг зарбдор учинчи йили план топшириқларини муддатидан илгари бажариш учун социалистик мусобақа қизғин тус олмоқда.

КПСС Марказий Комитетининг декабрь (1977 йил) Пленуми қарорларини амалга ошира бориб, КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг 1978 йил планини тўла ва ошириб бажариш учун социалистик мусобақани авж олдириш ҳамда ишлаб чиқариш самарадорлиги ва иш сифатини ошириш учун курашни кучайтириш тўғрисида Совет Иттифоқи партия, совет, хўжалик, касаба союз ва комсомол ташкилотларига, меҳнаткашларига Мактубига жавобан меҳнат коллективлари 1978 йил планини муддатидан илгари бажариш ва ўнинчи беш йилликнинг уч йиллик топшириғини СССР Конституциясининг бир йиллик куни —7 октябрга ча адо этиш ҳақида социалистик мажбуриятлар қабул қилишди.

Пойтахт қурилишларида республиканинг 10 нафар ишлаб чиқариш илғори ва 15 нафар бинокорининг бир беш йилликда икки беш йиллик планини бажариш ҳақидаги ватанпарварлик ташаббуси кенг қулоч ёйди. 11-«Висотстрой» трестининг А. А. Жўраев, Тошкент уйсозлик комбинатининг В. Д. Брунченко, 153-қурилиш трестининг Р. Зиёев, «Ташсантехгазмонтаж» трестининг Т. Г. Толибов, «Средазтрансстрой» трестининг Э. Г. Йўлдошев бошлиқ бригадалари Свердловск области қурувчилари ва монтажчиларининг ўнинчи беш йиллик қурилиш-монтаж ишлари планини бригадаларда кам ишчи кучи билан бажариш борасидаги қимматли ташаббусига қўшилиб, 1978 йил учун оширилган социалистик мажбуриятлар қабул қилишди.

Тошкент шаҳар партия комитетининг бюроси Свердловск области илғор қурилиш ва монтаж бригадаларининг «Беш йиллик топшириқни кам ишчи кучи билан бажарамиз» ватанпарварлик ташаббусига қўшилган ва 1978 йил учун зиммаларига оширилган социалистик мажбуриятлар қабул қилган А. А. Жўраев, В. Д. Брунченко, Р. Зиёев, Т. Г. Толибов, Э. Г. Йўлдошевнинг ташаббусини маъқуллади.

Район партия комитетларига, бошланғич партия, касаба союз ва комсомол ташкилотларига, қурилиш саноати индустрияси корхоналари ва лойиҳа институтларининг раҳбарларига 1978 йил планига қўшимча оширилган социалистик мажбуриятлар олиб, ўнинчи беш йиллик топшириғини муддатидан илгари бажаришга аҳд қилган пешқадам қурувчиларнинг ташаббусини кенг ёйишда ташкилотчилик ва пропагандистлик ишларни олиб бориши, қабул қилинган мажбуриятларнинг бажарилиши устидан доимий назорат ўрнатиш, мусобақадош коллективларга керакли ёрдам бериб, уларни қўллаб-қувватлаш тавсия қилинди.

«Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» газета редакцияларига ҳамда шаҳар радио эшиттириш ва телевидениесига социалистик мусобақа пешқадамларининг иш тажрибаларини ёритиб бориш, 1978 йил учун қурувчилар ва монтажчилар коллективлари қабул қилган социалистик мажбуриятларнинг бажарилишини ёритиш топширилди.

«Главташкентстрой» ва Ўзбекистон ССР Монтаж ва махсус қурилиш ишлари министрлиги билан биргаликда ўн кун ичида барча бригадаларда А. А. Жўраев, В. Д. Брунченко, Р. Зиёев, Т. Г. Толибов, Э. Г. Йўлдошев бошлиқ бригадаларнинг «Бригаданинг беш йиллик топшириғини кам ишчи кучи билан бажарамиз» ватанпарварлик ташаббусини кенг ёйиш, шунингдек, шаҳар қурилишларида Н. А. Злобининг бригада пудрати методини жорий этиш тўғрисида семинар ўтказиш топширилди.



Эшмурод ИЎЛДОШЕВ,

«Средазтрансстрой» трестига қарашли 209-қурилиш бошқармасининг бригадири, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган бинокор, Ленин ва Меҳнат Қизил Байроқ орденлари кавалери.

— Свердловскликларнинг илғор тажрибаларини қўллашга қарор қилдик. Бригадамизнинг икки нафар ишчисини бошқа кучсиз бригадага ўтказамиз. Кам ишчи кучи билан аввалги аҳдимизни, яъни, 7 октябргача уч йиллик планни, 1979 йилнинг бирinчи майига қадар беш йиллик планни бажаришга эришамиз.

Бригадамизда ёшлар кўп. Уларнинг қўпчилиги яқиндагина ҳунар-техника билим юртларини битириб келишган. Шунга қарамасдан улар коллективимизнинг Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган бинокор И. Раҳимжонов, Х. Исмоилов, С. Лутфуллин, В. Елгин сингари аъзоларининг мураббийчилигида ғишт терувчилик, электр пайвандчилик касбларини яхши эгаллаб олишди.

Бригадамиз хўжалик ҳисобида ишлайди. Бригада пудрати методи бўйича 315 минг сўмлик иш бажариш ниятидамиз. Ҳозир ремонт-механика заводининг ётоқхонасини бунёд қиляпмиз. Объект муддатидан илгари фойдаланишга топширилади. Шу беш йилликда планга қўшимча магазинли 24 хонадонга мўлжалланган уй-жой қурилишини битказиб, фойдаланишга топширамиз.



Раҳим ЗИЁЕВ,

153-қурилиш трестига қарашли 39-қурилиш бошқармасининг бригадири, уч марта Меҳнат Қизил Байроқ орденлари кавалери.

1972 йилдан буён Н. Злобин методи бўйича ишлаб, яхши кўрсаткичларни қўлга киритяпмиз. Масалан, ўтган йил планини 106 процентга бажардик. Меҳнат унумдорлиги топшириғи 114,5 процентга адо этилди. Бу бошқа бригадаларга нисбатан юқори кўрсаткичдир. Ишимизда ана шундай резервларнинг борлиги учун ҳам иккита ишчисиз ишлашга қарор қилдик. Уларни свердловскликлардан ибрат олиб, ишчи кучи етишмаётган, қурувчиларнинг юксак маҳоратларига муҳтожлик сезилаётган қолоқ участкаларга ўтказмоқчимиз.

Бу йил бригадамиз меҳнат унумдорлигини планга нисбатан 11 процентга оширишни кўзлаб турибди. Агар бинокорлик техникасидан яхши фойдаланса, бундай маррага ҳам эришишимиз мумкин.

Қурилиш ишларининг сифатига ҳам алоҳида эътибор беряпмиз. Мажбуриятларимизда қурилиш-монтаж ишларининг камида 90 процентини «яхши» ва «аъло» сифатли қилиб бажаришга эришиш ёзилган. Беш йилликнинг уч йиллик топшириғини ССРР Конституцияси қабул қилинган кунгача, беш йиллик топшириқни эса, 1981 йилнинг 1 сентябрига қадар бажариш аҳдимиз бор.



Толиб Гусейн ўғли ТОЛИБОВ,

«Ташсантехгазмонтаж» трестига қарашли 1-монтаж бошқармасининг бригадири.

— Бизнинг комсомол-ёшлар бригадамизда тўққиз нафар қурувчи бор. Бирга ишлаб анча дўстлашиб қолган эдик. Шундай бўлса ҳам, улардан икки кишини планларни бажараолмаётган бошқа бригадага ўтказишга қарор қилдик. Бригадамиздан кетаётган иккита қурувчининг ўрнига ҳам қолганлар меҳнат қилишади. СССР Конституциянинг бир йиллик кунигача уч йиллик планни бажариш ҳақидаги ташаббусга қўшилсак бўлади деган фикрни айтишди. Икки ишчини бошқа ишга ўтказишга қарор қилдик.

Ўтган йилги социалистик мусобақа якунларига кўра СССР монтаж ва махсус қурилиш ишлари министрлиги бригадалари ўртасида пешқадамлик қилиб, министрликнинг «Фахрий ёрлиғи»ни олишга муяссар бўлдик. Бунда бригадамизнинг М. Обидов, В. Пономаренко, Р. Галиев, М. Одил ўғли ва бошқа аъзоларининг ҳиссалари катта бўлди.

Н. Злобин методи бўйича меҳнат қиляпмиз. Яқинда Ленин проспектидаги 43 квартирали уй-жой қурилишида сантехника ишларини тугаллаб, ҳозир область ижроия комитетининг маъмурий биноси қурилишида меҳнат қиляпмиз. Барча объектлар «яхши» ва «аъло» баҳоларга фойдаланишга топширилмоқда.

Беш йиллик планни 1980 йилнинг 1 августида бажарамиз.



Владимир Дмитриевич БРУНЧЕНКО,

1-уйсозлик комбинатига қарашли 2-монтаж бошқармасининг бригадири.

— Бригадамизда йиғилиш ўтказганимизда коллективимизнинг ветеранларидан В. Аншаков, А. Хардин, Г. Моргунов, А. Чайковский, Н. Сон ва бошқалар сўзга чиқишиб, свердловскликлар ҳамкасбларимизнинг беш йиллик планни кам ишчи кучи сарфлаб бажариш ҳақидаги ташаббусига қўшилсак бўлади деган фикрни айтишди. Икки ишчини бошқа ишга ўтказишга қарор қилдик.

Ўтган йили бригадамиз Н. Злобин методида ишлаб, меҳнат унумдорлиги топшириғини 145,1 процентга бажариб, комбинатда пешқадам бўлди. Бу йил меҳнат унумдорлигини янада ошириш натижасида планга қўшимча 40 квартирали уйни монтаж қилмоқчимиз.

Шу кунларда биринчи Қорасув массивида 70 хонадонга мўлжалланган уй-жойни бунёд этяпмиз. График бўйича объектни 15 мартда пардозлашга топширишимиз керак эди. Лекин унумли иш олиб борганимиз туфайли уйни Халқаро хотин-қизлар кунигача битказишга аҳд қилдик.

Бригадамиз шу кунларда май ойи меҳнат календари бўйича ишламоқда. Уч йиллик планни 7 октябрда, беш йиллик топшириғини эса 1979 йилнинг октябрига қадар бажариш ниятимиз бор.



Анатолий Акимович ЖЎРАЕВ,

11-«Висотстрой» трести 75-қурилиш бошқармасининг бригадири.

Свердловскликлар қурувчи ва монтажчиларнинг беш йиллик планни кам ишчи кучи билан бажариш тўғрисидаги ташаббуси катта қизиқиш уйғотмоқда.

Мен бошқараётган бригада ҳам юқори унумли меҳнат қилишга эришмоқда. Шунинг учун ҳам биз свердловскликларнинг ташаббусига қўшилдик. Ўз имкониятларимизни ҳисоблаб чиқиб, бригадамизнинг беш нафар ишчисини бошқа коллективга ўтказиб, беш йиллик планни муваффақиятли адо этамиз деган қарорга келдик. Тўғри, бунинг учун коллективимизда меҳнатни ташкил этишни янада яхшилаш, комплекс механизацияни тўла жорий этиш лозим бўлади. Ишлаб чиқариш нормасини 145 процентга етказиб бажарамиз.

1977 йил планини коллективимиз 103,2 процентга адо этган эди. Уч йиллик планни 7 октябрга бажарамиз, беш йиллик план эса 1980 йилнинг 1 октябрида адо этилади.

Айни кунларда «Москва» меҳмонхонасини қурмоқдамиз. Бу иншоот 1980 йилда фойдаланишга топширилиши кўзда тутилган. Биз қурилишни планда белгиланганига нисбатан сал илгарироқ, келгуси йилнинг охирида пардозчиларга топширишга аҳд қилдик.

⊙ БЕШ ЙИЛЛИК ВАХТАСИДА

Марра—7 миллион

Сифат ва самарадорлик беш йиллигининг зарбдор меҳнат йилида 7 миллион сўмлик маҳсулот реализация қилишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган Тошкент спорт буюмлари фабрикаси коллективи куч сайин социалистик мусобақани авж олдириб меҳнат қилмоқда.

Корхонада полиэтилен пакетларини ёпиштирадиган автомат, спорт сумкаларининг дастасини ўрнатувчи машина, туристлар рюкзакларига холитен ўрнатувчи ярим автоматлар жорий қилинди.

Айни кунларда корхонада меҳнат беллашуви авж олиб кетган. Мусобақада, айниқса волейбол, футбол тўплари тайёрловчи бригада пешқадамлик қиляпти. Бригаданинг тўққиз аъзоси СССР янги Конституциясининг бир йиллигига қадар беш йиликнинг уч ва тўрт йиллик топшириқларини бажаришга аҳд қилган

БУГУН

А. Қаюмов, А. Мирзамуҳамедова, Х. Шодиева, Б. Шотўлагановларнинг шахсий меҳнат календарларида 1978 йилнинг сўнгги ойи ниҳоясига етди.

Мусобақа пешқадамлари иш вақтидан, илғор техникадан оқилона фойдаланаётганликлари туфайли қатор ютуқларини қўлга киритишмоқда.

Ш. ҲИДОЯТОВ.

ТЕХНИКА АХБОРОТИ КОНКУРСИ

Ишлаб чиқаришни тараққий эттиришда илмий-техника ахбороти янгиликларини пропаганда қилиш бўйича ўтказиладиган конкурслар яхши самара бермоқда. Чкалов номли авиация ишлаб чиқариш бирлашмасида бу борада ўтган йили амалга оширилган тадбирлар диққатга сазовордир.

Корхона мутахассислари ишчилар ўртасида илмий техника ва экономика масалалари бўйича 740 дан ортиқ лекция ўқишди. 372 марта «Новаторнинг куни» деган тадбир ўтказилди. Уларда асосан меҳнат зарбдорлари ўзларининг илғор иш тажрибалари билан ўртоқлашдилар. Бундан ташқари 150 дан ортиқ темада кўргазмалар ташкил этилди.

Катта корхонанинг 33 та экспонати СССР ва Ўзбекистон ССР Халқ хўжалиги ютуқлари виставкаларида муваффақият билан кўрсатилди. Бу виставкалардан такомиллашган техника воситалари учун битта олтин, учта кумуш, саккизта бронза медали ва иккинчи даражали диплом олинди.

ТОШКЕНТНИ БОҒ-РОҒЛАР ШАҲРИГА АЙЛАНТИРАМИЗ

Кўкаламзорлаштирувчилар ғайрати

Шу кунларда шаҳар ободонлаштириш Бош бошқармасига қарашли ирригация ва гидротехника иншоотлари трестининг ободонлаштирувчил а р и пойтахтимиздаги суғориш тармоқларини баҳор-ёз ойларида фойдаланишга тайёрлаш, насос станциялари, ёмғирлатиб суғориш мосламалари ва ирригация водопроводларини ишга туширишга ишларини кенг миқёсда олиб боришмоқда. Шаҳримиздаги гулзорлар ва хиёбонлар, боғлар ва аҳоли ҳордиқ чиқарадиган жойларни 56 та насос станциялари, 312 километрлик суғориш водопроводлари оби ҳаёт билан таъминлайди.

Ҳозир 2-Қорақамиш массивининг 1-микрорайонида дов-дарахтларни, «Собир Раҳимов» метро станцияси ёнидаги гулзорларни, Б. Хмельницкий кўчасининг Салор канали соҳилидаги хиёбон ва гулзорларни, Жаҳон Обидова кўчасидаги катта кўприк иншооти кўкаламзорлаштир и ш зоналарини сувга сероб қилиш учун янги насос станцияларини монтаж қилинмоқда.

Айни пайтда Чўпон ота, Чилонзор, Ботирма, Чилдухтарон каналларини тозалаш ишлари ҳам жадал олиб борилмоқда. Тўрт канални реконструкциялаш, «В. И. Ленин майдони» метростанцияси ёнидаги хиёбонларни ёмғирлатиб суғориш ва ирригация водопроводлари билан таъминлаш ишлари амалга оширилмоқда. Б. Хмельницкий кўчасини аэровокзал комплекси билан боғловчи кўприк атрофида ҳам микрохиёбон вужудга келтирилмоқда.

Шаҳримизга гўзал қиёфа бахш этувчи олти минг тупга яқин хвойли дарахтлар ўтқазилди. Унинг икки мингга яқинини сосна кўчатлари ташкил этади. Бундай хушманзара дарахтлар «В. И. Ленин майдони» метро станцияси хиёбони ва бошқа жойларга ҳам ўтқазилмоқда.

Трест кўкаламзорлаштирувчилари баҳорнинг дастлабки куниданоқ пойтахтимиздаги кўплаб ободончилик объектларида, шунингдек. барча метро станцияларидаги атрофидаги хиёбонларда кўкаламзорлашти р и ш ишларини авж олдириб юбордилар.

МЕҲНАТ БАЙРАМИГА

Шаҳар «Автодормехбаза»си коллективи москваликларнинг дўҳиймиз В. И. Ленин туғилган кун— 22 апрель шарафига коммунистик шанбалик ўтказиш тўғрисидаги ташаббусни қизғин маъқуллади. Шу кунги 10,2 миллион квадрат метр ҳажмдаги территорияларни механизациялашган усулда тозалашга аҳд қилинди. Бу одатдаги иш кунларимизникига нисбатан анча кўпдир. Коллективнинг М. Мирҳолиқов, В. Югай, А. Саидкаримов, Ф. Зигурис, Н. Колбасин, Б. Хўжаев сингари энг яхши ҳайдовчилари ана шу ташаббусни биринчилардан бўлиб маъқуллаб чиқдилар. Уларнинг чақириғини бутун коллектив қўллаб-қувватлади.

300 дан ортиқ ишчи меҳнат байрамида қатнашиш истагини билдирди. 180 дан ортиқ ҳайдовчи шу куни энг масъулиятли иш участкаларида меҳнат қиладилар. Бошқа ишчилар эса шаҳримиз кўчаларини ободонлаштиришди. кўчат ўтқазиш ишларида иштирок этадилар.



Ишқибозлар мамнун

Бир кунлик дам олишдан кейин кеча футбол бўйича VIII Халқаро турнир қатнашчилари яна майдонга чиқдилар. «Қибрай» стадионида республикамиз спортчилари ўтган йилги турнир ғолиби — чехословакиялик тенгдошлари билан орани очиқ қилишди.

Ўйиннинг б и р и н ч и таймида ҳисоб очилмади.

Иккинчи таймда республикамиз вакиллари ўйин суръатини ошириб, Могдален қўриқлаётган дарвоза олдида кетмакет хавфли вазият вужудга келтиришди. Олтинчи минутда зарб билан тепилган тўп дарвоза устунига тегиб қайтди. Орадан бир минут ўтгач, навбатдаги ҳужум пайтида чехословакиялик ҳимоячилардан бири ўйин қоидасини бузди. Судья 11 метрли жарима тўпи тепилишига лозимлигини кўрсатди. Бирок Вячеслав Ширин уни дарвозага аниқ йўллай олмади.

Ўйиннинг 64-минутида меҳмонлар яна ўз жарима майдонларида ўйин қоидасини бузишди. Бу сафар масъулиятли вазифани бажаришни ярим ҳимоячи Фахриддин Мусаев ўз зиммасига олди. У тўпни дарвозага аниқ йўллаб, ҳисобни очди.

Чехословакия терма командасининг тренерлари командани мағлубиятдан қутқариб қолиш мақсадида бирданига икки ўйинчини алмаштиришди, бироқ улар ҳам ўйинга ўзгариш киритаолмадилар. Республикамиз терма командаси муҳим ғалабани қўлга киритиб, иккинчи кичик группада якка пешқадам бўлиб олди. Ўз активида иккитадан очкога эга бўлган СССР-2, Польша командаларининг ўзаро учрашувида ҳисоб очилмади.

Турнирда мамлакатимизнинг биринчи ўсмирлар терма командаси ҳужумкор ўйин кўрсатиб, тренерлар, мутахассислар ва ишқибозларни мамнун этяпти. Кеча команда Венгрия терма командаси устидан 6 : 0 ҳисобида ғалабага эришди. Эрон — Болгария учрашувида 3 : 0 ҳисоби қайд қилинди.

БУНЁДКОРЛИК ЗАФАРИ

«Главташкентстр о й » 153-қурилиш трести 12-қурилиш бошқармасининг коллективи ишлаб чиқарish самарадорлиги ва иш сифатини ошириш бўйича соцналистик мусобақа, 1977 йил халқ хўжалик планларини муваффақиятли бажариш якунларига биноан Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, республика Министрлар Совети, Ўзсовпроф ва республика комсомоли Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғига сазовор бўлди. Бунда Б. Путилов, А. Шекина бошлиқ бригадаларнинг муносиб ҳиссаси бор.

«Жилстрой» ва 159-қурилиш трестлари ҳам ана шундай муносиб ҳисса қўшди.

телетайп лентасидан

⊙ **ВАРШАВА.** Анъанавий Умумпольша конкурсининг ғолиблари чиқарилди. «Биз яхшироқ ва кўпроқ маҳсулот тайёрлашимиз мумкин» шиори остида ўтган бу конкурсда 5 минг дан кўпроқ корхона, институт, тадқиқот муассасаларининг коллективлари иштирок этди.

Конкурс ғолиблари орасида тўқимачилик, озиқ-овқат ва металлургия саноатининг корхоналари бор.

⊙ **КОПЕНГАГЕН.** Данияда ишсизлар сони кўпайиб бормоқда. Статистика маълумотларига кўра, ҳозирги вақтда мамлакатда 210 мингдан кўпроқ ишсиз рўйхатга олинган. Бу эса бир йил аввалгига қараганда 33 минг кишига кўп.

⊙ **БРЮССЕЛЬ.** Белгияда меҳнатчиларни ялпи ишдан бўшатиш доим этмоқда. Льеж яқинида жойлашган Склессин шаҳридаги «Ла ленниери» тўқимачилик фабрикасининг 200 нафар ишчиси учун ишдан бўшаб қолиш хавфи туғилди. Фабрика маъмурияти ишлаб чиқаришни «рационализация қилиш» баҳонаси билан цехлардан бирини ёпиб қўйишга қарор қилди.

⊙ **БОНН.** Бўлтур ГФР шахталарида рўй берган авариялар натижасида деб хабар қилади касаба союзларининг «Айнхайт» газетаси. 92 кончи ҳалок бўлди. Қарийб 30.000 киши жароҳатланди.

⊙ **ДЕҲЛИ.** Ҳиндистонтоннинг план комиссияси иқтисодий тараққиётнинг олтинчи беш йиллик плани (1979—1984 йиллар) лойиҳасини ишлаб чиқди. Лойиҳага мувофиқ экономикани юксалтириш суръатлари 4,5— 4,75 процент бўлиши лозим.

● ИДЕОЛОГИЯ ИШЛАРИ ХРОНИКАСИ

ЯНГИ ВАЗИФАЛАР АСОСИДА

КПСС Марказий Комитетининг «Партия XXV съезди қарорлари асосида партия ўқувининг вазифалари тўғрисида»ги қарори кўрсатмаларини изчил амалга ошираётган Тошкент трактор заводи партия комитети навбатдаги пропагандистлар ўқуви кунини ўтказди. Бу семинарда корхона партия комитетининг секретари Х. Шагиев сиёсий ахборотчи, сиёсий докладчи, агитатор ва пропагандистлар ҳузурида ўтган юбилей йилида тўпланган тажрибалар ва бу йилги ўқув йилини янги, юксак вазифалар даражасига кўтариш масалалари ҳақида гапирди.

3-цех пропагандисти В. Будилин, завод бошқармасининг, моҳир пропагандисти М. Толкачев ва бошқа ўнлаб кишилар оташин сўз билан ва шахсий намуна кўрсатиб, коллективни янги зафарлар сари руҳлантирмоқдалар.

МАКТУБГА ЖАВОБАН


КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Маказий Комитетининг 1978 йилда социалистик мусобақани авж олдириш тўғрисидаги Мактубида баён этилган қоида ва хулосалар сиёсий ўқув ва иқтисодий таълим соҳасидаги машғулотларнинг назарий савиясини ўстириш, уларнинг мазмунини бойитишга асос бўлмоқда.

Мактубда тилга олинган масъулиятли вазифалар ўқув таъсирчанлигини оширишда катта аҳамиятга эга бўлмоқда. Агрегат заводи сиёсий маориф ва иқтисодий шохобчаларида Мактуб асосида ўқувнинг самарадорлигини ошириш вазифалари тўғрисида бу ерда бўлиб ўтган пропагандистлар семинарида гап борди.

РАНГ-БАРАНГ ВОСИТАЛАРДАН ФОЙДАЛАНИБ

Партия ва ҳукуматимиз Мактубида мусобақанинг ошкоралигини кучайтириш, илғорлар ва новаторларнинг ютуқларини кенг оммалаштириш, мажбуриятларнинг қандай бажарилаётганини вақти-вақти билан анализ қилиб туриш ва бошқа муҳим вазифалар қўйилган эди. Агрегат заводи партия комитети қуйи партия ташкилотлари секретарларининг семинарини ўтказиб, ана шу вазифалар асосида зарур тадбирларни белгиладди.

Социалистик мусобақани янада ривожлантириш масалалари ҳақида корхона партия комитети секретари Н. Усмонов гапириб, партия группалари ва касаба союз группалари фаолиятида мураббийлик ҳаракатидан, коммунистик меҳнат мактабларидан, партия ўқуви ва иқтисодий таълим шохобчаларидан самарали фойдаланиш йўлларига тўхталиб ўтди.



«Узбексельмаш» ишлаб чиқариш бирлашмаси коллективи янги маҳсулот — УПХ 1,5 «В» маркали кўсак чувиш агрегатларини оммавий равишда ишлаб чиқаришга киришди. Бу машиналар илгари ишлаб чиқарилган машиналарга нисбатан серунум ва афзалдир.

СУРАТДА: корхонанинг 5-цехида янги УПХ 1,5 «В» маркали машиналарни тайёрлаш пайти.

● *Беш йиллик одимлари*

УЛКАН МАРРА САРИ

Иккинчи цехга кириб борганимизда «Бугунги марра — эртага норма!» деган ёзувга кўзимиз тушди. Анатолий Николаевич Казаков бошчилик қилаётган бригада ана шундай шиор остида меҳнат қилмоқда. Бригада аъзолари электр подстанцияларини учун шчит қурилмаларини йиғишаётган эди. Ана шундай мураккаб ускуналарни йиғиш ва экспортга тайёрлаш кўп йиллардан буён корхонада меҳнат қилиб тажриба орттирган А. Н. Казаков бошлиқ бригада аъзоларига топширилган.

Бу бригада аъзолари қўлидан чиқаётган буюмлар корхонада тайёрланган маҳсулотлар орасида биринчилар қатори Давлат Сифат белгисига сазовор бўлган. А. Н. Казаков бригадаси ҳар бир соҳада намуна кўрсатиб келмоқда. Корхонадаги ўнлаб бригадалар орасида ана шу бригада аъзолари биринчи бўлиб СССР Конституцияси кунигача уч йиллик план топшириқни бажариш ташаббусини билан чиқдилар. Бригадада бошланган ташаббус 2-цехдан бошқа цехларга тарқалди. Шундай қилиб кўп кишилик коллектив Тошкент саноат корхоналари ўртасида биринчи бўлиб: «Беш йилликнинг уч йили плани — СССР Конституцияси кунигача!» деган ташаббус билан чиқди. Бу ташаббус бугунги кунда Тошкентдагина эмас, балки республикамизнинг ҳамма халқ хўжалиги соҳаларининг меҳнат коллективлари ўртасида кенг тарқалди.

Ўрта Осиё электр аппаратлари бирлашмаси мамлакатимизда пакетли виключателлар ва переключателлар, реле шчит қурилмалари ва бошқа электр аппаратураларни ишлаб чиқариш бўйича етакчи корхоналардан бири ҳисобланади. Бирлашма маркаси туширилган маҳсулотлар мамлакатимизда ташқари, 50 дан ортиқ хорижий давлатларга юбормоқда.

Бирлашма коллективи юбилей йилида ҳамма соҳаларда юксак техникавий ва иқтисодий кўрсаткичларга эришди. Қарийб ярим миллион сўмлик маҳсулот планга қўшимча реализация қилинди. Маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 7,5 процент кўпайди. Бу маҳсулотларнинг 33 процентга Давлат Сифат белгиси билан топширилди. Корхонанинг 23 маҳсулоти ҳозир ана шундай фахрли беш қиррали белги билан тайёрланмоқда. Булар орасида энергетикамиз панеллари учун, пахтачилик саноати учун шкафлар, электр подстанцияларининг шчит қурилмалари ва бошқа аппаратуралар бор.

Бирлашманинг фидокорона меҳнат қилган коллективи орасида 154-ишлаб чиқариш илғори Улуғ Октябрь юбилейи шарафига икки йиллик топшириғини адо этди.

6-цех монтажчиси Л. Валетова, 5-цех регулировкачилар бригадасининг бошлиғи С. Вартанова каби илғорлар уч йиллик топшириқларини адо этганликлари ҳақида рапорт бердилар.

Корхонада маҳсулотларнинг хилларини йил сайин янгиланиб турибди. Бунинг учун ташкилий-техникав и й тадбирлар ўтказилмоқда. Ўтган йили беш номда янги хил буюмлар ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Йилига қарийб 200 минг сўмлик иқтисодий самара берадиган ташкилий-техникавий тадбирлар амалга оширилди.

Бирлашмада айниқса халқ истеъмоли буюмлари ишлаб чиқаришга алоҳида эътибор берилмоқда. Юбилей йилида уч миллион сўмликдан ортиқ халқ истеъмоли буюмлари ишлаб чиқарилди ва план қарийб 6 процент оширилди. Бу йил бошидан «Олга» пистолети, «Учқун» автомати каби бир неча номдаги болаларнинг пластмассадан тайёрланган ўйинчоқларини ишлаб чиқариш ўзлаштирилди.

Тошкент метрополитенининг биринчи навбати. Байкал-Амур магистрали учун беш мингтага яқин панелдар тайёрланди. Югославия ва Неготинодаги янги қурилишларнинг масъулиятли буюртмалари бажо келтирилди. Ана шу масъулиятли вазифаларни муваффақиятли адо этганлиги учун бирлашма коллективи Тошкент шаҳар партия комитети, шаҳар Совети ижроия комитетининг кўчма Қизил байроғини баланд кўтариб меҳнат қилмоқда.

Бирлашма маркаси туширилган маҳсулотлар мамлакатимизда ташқари, 50 дан ортиқ хорижий давлатларга юбормоқда.

Бирлашмада айниқса халқ истеъмоли буюмлари ишлаб чиқаришга алоҳида эътибор берилмоқда. Юбилей йилида уч миллион сўмликдан ортиқ халқ истеъмоли буюмлари ишлаб чиқарилди ва план қарийб 6 процент оширилди. Бу йил бошидан «Олга» пистолети, «Учқун» автомати каби бир неча номдаги болаларнинг пластмассадан тайёрланган ўйинчоқларини ишлаб чиқариш ўзлаштирилди.

Тошкент метрополитенининг биринчи навбати. Байкал-Амур магистрали учун беш мингтага яқин панелдар тайёрланди. Югославия ва Неготинодаги янги қурилишларнинг масъулиятли буюртмалари бажо келтирилди. Ана шу масъулиятли вазифаларни муваффақиятли адо этганлиги учун бирлашма коллективи Тошкент шаҳар партия комитети, шаҳар Совети ижроия комитетининг кўчма Қизил байроғини баланд кўтариб меҳнат қилмоқда.

Трест коллективи ўтган йили шаҳардаги қурилиш-монтаж ташкилотлари ўртасидаги социалистик мусобақада ғолиб чиқиб, Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети, Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети, касаба союзлари область Совети, Ўзбекистон ЛКСМ шаҳар комитетининг кўчма Қизил байроғини қўлга киритди. Албатта, бундай ғалаба ўз-ўзидан қўлга киритилмади. Бинокорлар меҳнат унумдорлигини ошириш бўйича изланиб, меҳнат унумдорлигини икки йил ичида 14,5 процентга ўстиришга эришдилар. Яъни улар икки йилда техник иқтисодий кўрсаткичларнинг энг муҳими бўлган меҳнат унумдорлигини ўстириш уч йиллик планини бажаришди. Натижада планга қўшимча 6 минг квадрат метр уй-жойлар қуриб фойдаланишга топширилди.

Бу йил «Жилстрой» трести 20 миллион сумлик қурилиш-монтаж ишларини амалга ошириб, 135 минг квадрат метр уй-жой қуришга аҳд қилган. Бу жуда катта вазифадир. Бироқ, январь ойи топшириғини ошириб бажарган трест бинокорлари кейинги ойларда ҳам бир меъёрда меҳнат қилишса, албатта ўз сўзларининг устидан чиқишади.

Трестда бригада пудратини методига алоҳида эътибор берилмоқда. Бу ерда 17 та коллектив злобинчасига ишлаяпти. Злобинчилар ичида Ф. Третьяков бошлиқ бригада меҳнат унумдорлигини 103 процентга етказишга, кўплаб материалларни иқтисод қилишга эришди.

«Жилстрой» трестининг мусобақадоши бўлган 1-уйсозлик комбинати қурилиш-монтаж ишлари ҳажмини ўтган йилнинг шу даврига нисбатан қарийб икки марта ўстиришга муваффақ бўлди. Комбинат шаҳримизда қурилаётган тўрт ва беш қаватли «ТДСК-71а» серияли уй-жойларнинг бош пудратчиси сифатида меҳнат қилиб, бу объектларнинг остки қисмларидаги қурилиш ишларини ҳам муваффақиятли амалга оширишмоқда.

Январь ойида уйсозлар ўз имкониятлари даражасида меҳнат қилишмади. Бош пудрат бўйича 300 минг сўмлик, ўз кучлари билан 100 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилмади. 2, 21, 31-қурилиш бошқармалари комбинатни орқага тортди. 2-қурилиш бошқармаси «Главташкентстрой»нинг саноат корхоналари бошқармаси темир-бетон пойдеворлар тайёрлаб бермаганлиги учун бош пудрат ишлари планини уддалай олмади. 31-қурилиш бошқармаси 153-трест бош пудратчи бўлган саноат объектларида меҳнат қилди. 21-бошқарма аввал бажарган сифатсиз ишларни қайтадан адо этиш билан шуғулланди.

Иккинчи мусобақадош коллективлар ўртасида 6-қурилиш трести яхши кўрсаткичларни қўлга киритди. Коллектив юбилейолди социалистик мусобақасида қўлга киритган ютуқларини мустаҳкамлаб бориш орқали ўз кучлари бўйича планни 100,9 процентга бажариб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан бир мунча устунликка эришдилар.

Бироқ, бош пудрат ишлари плани бажарилмади. Ёрдамчи пудратчи ташкилотлар яхши ишлашмади. Масалан, «Таштрансспецстрой» трести планлаштирилган 309 минг сўм ўрнига 94 минг сўмлик, пардозлаш трести 155 минг сўм ўрнига 43 минг сўмлик, «Ташсантехгазмонтаж» трести 96 минг сўм ўрнига 31 минг сўмлик, «Узэлектромонтаж» трести 89 минг сўм ўрнига 62 минг сўмлик, «Средазтепломонтаж» трести 23 минг сўм ўрнига 3 минг сўмлик иш бажаришди.

Қурилиш йиғма темир-бетон ва товар арматураси билан яхши таъминланмади. Бу ҳам бинокорларнинг ишига салбий таъсир этди. Трестнинг А. Кириенко, М. Лебедев, И. Турченко, Т. Магдиев, Н. Курач, Н. Мина бошлиқ бригадалари СССР Конституциясининг бир йиллигигача уч йиллик планни бажаришга аҳд қилишган эди.

«Ташпромстрой» трестида йил бошида 50 ва 57-қурилиш-монтаж бошқармаларининг коллективлари яхши меҳнат қилишди. 50-бошқарма бош пудрат планини 116,7 процентга, ўз кучлари билан иш бажариш топшириғини 100,7 процентга адо этди. Бунга Михайлов, Романов ва Чориев етакчилик қилаётган бригадалар катта улуш қўшишди. Лекин уларнинг илғор иш усуллари бошқа коллективлар ўртасида кенг ёйилмади.

63-қурилиш-монтаж бошқармаси ва 126-кўчма механизациялашган колонна қолоқлик қилди. 63-қурилиш-монтаж бошқармаси бош пудрат ишлари планини 71,5 процентга, ўз кучлари билан 88,1 процентга, 126-кўчма механизациялашган колонна бош пудрат планини 60,5 ва уз кучлари билан 66,2 процентга адо этишди. Шунинг учун ҳам трест январь ойи планини бажармади. Бу ерда меҳнат унумдорлиги ҳам жуда паст.

Трестда ёрдамчи пудратчилар ҳам кўнгилдагидек ишламади. Масалан, «Узпромвентиляция» трести «Ташпромстрой» трестида иш бажариш топшириғини 67,7 процентга, «Узсантехгазмонтаж» трести 77,8 процентга, «Узтрансспецстрой» трести 85,1 процентга, республика қурилиш министрлигининг 4-махсус трести 47,7 процентга, «Узстроймеханиза ц и я» трести 79,6 процентга бажарди. Бундан ташқари қурилиш ишлари бажариладиган майдонда коммуникация коллекторларини кўчирилмаганлиги, электр монтаж буюмлари заводи қурилишида технологик ускуналар уз вақтида келтирилмаганлиги, ошхона мебеллари қурилишида газопровод тармоги учун техник ҳужжатлари белгиланган муддатда келтирилмаганлиги ҳам бош пудратчининг планларни бажараолмаслигига сабаб бўлди.

КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг Мактубида бинокорлар олдига ишга туширилаётган ишлаб чиқариш аҳамиятга молик бўлган объектларни белгиланган муддатларда фойдаланишга топшириш вазифаси қўйилган. Тошкентлик бинокорлар Мактубда битилган фикрлар асосида ишни ташкил этишлари керак.

ЙИЛЛИК ПЛАН — МУДДАТИДАН ИЛГАРИ

МАЖБУРИЯТЛАР ИЗИДАН

«ГЛАВТАШКЕНТСТРОЙ»НИНГ «ЖИЛСТРОЙ» ТРЕСТИ БИЛАН УЙСОЗЛИК КОМБИНАТИ, 6-ТРЕСТ БИЛАН «ТАШПРОМСТРОЙ» ТРЕСТИ ЎРТАСИДАГИ СОЦИАЛИСТИК МУСОБАҚА

ИЛҒОРЛАРГА ТЕНГЛАШИНГ

1978 ЙИЛ ЯНВАРЬ ОЙИ АСОСИЙ КЎРСАТКИЧЛАРИ	Қурилиш трестлари: «Жилстрой»	Уйсозлик комбинати	6	«Ташпромстрой»
Қурилиш-монтаж ишларининг бажарилиш процентларда				
а) бош пудрат бўйича	102,1	91	72,4	86,0
б) ўз кучлари билан	102,4	96,1	100,9	89,6
Иш ҳажмининг ўсиш суръатлари ўтган йилнинг шу даврига нисбатан (процентларда)				
а) бош пудрат бўйича	129,5	200	79,4	82,3
б) ўз кучлари билан	—	138	116,1	77,6
Меҳнат унумдорлигининг ўсиш суръатлари	—	93,3	93,3	101,9
Меҳнат унумдорлигининг ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ўсиши	—	—	122	84,6
Планни бажармаган бошқармалар	—	2	4	2
а) бош пудрат бўйича	—	1	1	2
б) ўз кучлари билан				
Уй-жойлар қурилиши планининг бажарилиши	106,9	—	—	76,0
Мактаблар қурилиши планининг бажарилиши	220	—	—	—
Мактабгача болалар муассасалари қурилиш планининг бажарилиши (процентларда)	—	—	—	—
Маҳаллий Советлар объектларини қуриш планининг бажарилиши	100,4	—	—	—
Ишл бошидан фойдаланишга топширилган объектлар сони	—	—	—	—
Ўртача баҳоси	—	—	—	—
Бригада пудратн методи бўйича ишлаётган бригадалар сони	17	—	22	3



Ушбу фотолавҳада «Уртоқ» кондитер фабрикасининг ирис цехи машинисти Нортожи Эргашева тасвирланган. Бу пешқадам ишчи йиллик топшириқни муддатидан илгари адо этиш учун астойдил меҳнат қиляпти.

● *Ихтисослаштириш йўлида*

ЯНГИ БИРЛАШМА

Наманган областининг Поп районида Ўзбекистонда биринчи территориал — ишлаб чиқариш қишлоқ хўжалик бирлашмаси барпо этилди. У Ленин номли совхоз-техникум базасида бунёд бўлди. Шу хўжаликнинг учта пахтакор бўлими ва иккита поравачилик бўлими алоҳида-алоҳида совхозларга айлантирилади. Комплекс составида богдорчилик-узумчилик ва асаларичилик совхозлари, шунингдек база ўрта билим юрти ҳам бўлади.

Янги бирлашмага Марказий Фарғонада 25 минг гектардан ошиқ ер ажратиб берилди. Яқин йиллар ичида шу майдонлар тоғ этагидаги Аччиқкўл массивини ўзлаштириш ҳисобига катталашади.

Хўжалик ишлаб чиқаришининг янги шакли меҳнат ресурслари ва моддий ресурслардан яхшироқ фойдаланишга имкон беради. Бирлашманинг ҳамма совхозлари ихтисослаштирилган ва айни маҳалда ўзаро боғланган. Масалан, пахта билан беда алмашлаб экиладиган далалардан чорвачилик совхозларининг фермаларига қўй ва эчкилар учун озуқа келтириб турилади. Далачилик хўжалигининг асаларилари товар асал беришдан ташқари ғўза гули яхшироқ чангланишини таъминлайди ва натижада ҳосилга ҳосил қўшилади. Бирлашманинг бош участкаси бўлмиш совхоз-техникум мутахассислар тайёрлаш маркази бўлиш билан бирга ҳамма хўжаликлар учун илмий база ҳам бўлиб хизмат қилади.

Бутун комплексни бошқариш ҳам янгича қурилади. Бирлашмага бош директор бошчилик қилмоқда. Директорлар кенгаши ҳам тузилаяпти. Кенгаш хўжалик ривожланишининг асосий масалаларини ҳал этади. Бунда ҳар бир совхоз ўзининг юридик мустақиллигини сақлаб қолади. лекин маҳсулот ишлаб чиқариш планлари қўш тармоқли комплекс ҳамма бўғинларининг манфаатлари йўлида координация қилинади.

Бу ерда 5—6 йил ичида пахта етиштиришни икки баравар — 13 минг тоннадан 25 минг тоннагача кўпайтириш, қўй ва эчкиларни икки ярим баравар — 60 минг бошдан 150 минг бошгача етказиш мўлжалланади.

Янги бирлашмада орттирилган иш тажрибалари республиканинг бошқа областларида шундай территориал ишлаб чиқариш комплекслари яратиш учун замин бўлиб хизмат қилади. **(ЎзТАГ).**



Сиз суратда Тошкент шина ремонти заводининг зарбдор ишчиси Мирзаахмад Мирхонович иш жараёнида кўриб турибсиз. Бу зарбдор ишчи мунтазам равишда смена-ойлик топшириқларини ортиғи билан адо этиб, сифатли маҳсулот тайёрлайди.

М. Нуриддинов фотолари.

Меҳмондўст Тошкентим

ЙЎЛОВЧИЛАР ХИЗМАТИДА

Йўловчиларнинг шаҳарлараро қатновчи автобус маршрутларига кун сайин ошиб бораётган эътиборини ҳисобга олган ҳолда автобуслар сонини кўпайтириш соҳасида бир қатор ишлар амалга оширилди. Жумладан, ўтган йили еттита янги маршрут очилиб, йўловчиларга катта қулайлик яратилди. Тошкент билан Қозоғистоннинг Кентов шаҳрини боғловчи, шунингдек Тошкент— Ленинск ва Тошкент— Фориш, Тошкент — Шайдон маршрутлари шулар жумласидандир.

Бундан ташқари, йўловчиларга қулайлик яратиш мақсадида, уларнинг маршрутларга ва маршрутларнинг қатнаш графикларига бўлган эҳтиёжларини ўрганиш бўйича махсус комиссия иш олиб бормоқда. Бу автобусларнинг жўнаш вақтларини йўловчилар учун янада қулай қилиб белгилаш имконини беради. Ҳозиргача кўпгина маршрутларнинг қатнов графигига ана шу комиссия маълумотлари асосида бир қатор ўзгаришлар киритилди.

Автовокзаллар ва кўпгина автостанцияларда билет тайёрловчи машиналар, билетларни сотувчи автоматлар ва автоматик юк сақлаш хоналари жорий этилди. Автовокзаллар ва станцияларнинг замонавий техника жиҳозлари билан таъминланиши йўловчиларнинг вақтини тежаш, уларга янада яхши хизмат кўрсатиш имконини бермоқда.

Пассажир автохўжаликларини ривожлантиришга ҳам катта аҳамият берилмоқда. Фақатгина ўтган йили йўловчиларга хизмат кўрсатувчи объектларни ободонлаштириш ва ремонт қилиш учун 200 минг сўмдан кўпроқ маблағ сарфланди.

Бирлашмамизда қиш ва ёз ойларида шаҳардан ташқарига чиқиб дам олувчиларга хизмат кўрсатиш ҳам алоҳида аҳамият бериляпти. Шу кунларда Чимёнга саёҳатга бораётганлар учун шанба ва якшанба кунлари Шастри автостанциясидан қатнаётган автобуслар сони кўпайтирилди. Бундан ташқари бу автостанциядан ўз манзилларига йўл олдиган йўловчиларга қулайлик яратиш мақсадида бу ерда автобуслар тўхтайдиган янги жой барпо этилиб, унинг атрофи ободонлаштирилляпти. Шаҳарлараро қатновчи автобуслар кенг тўхташ жойлари билан таъминланмоқда. Келгусида пойтахтимиздаги барча автостанцияларни ободонлаштириш, жумладан Шастри номли автостанцияси вокзал типида қурилаётган янги замонавий биноларга кўчириш кўзда тутилган.

Бу борада амалга оширилаётган ишларнинг энг диққатга сазовори қурилиш монтаж бошқармаси қурувчилари бунёд этдилар. Ҳозир бу ерда сўнгги ободончилик ва жиҳозлаш ишлари олиб бориляпти. Янги автовокзал бир йўла 2,2 минг кишига хизмат кўрсата олади. Унинг 52 та автобус тўхтайдиган жойи бўлиб, уларнинг ҳаммасига йўловчилар бевосита ўсти ёпиқ йўлка орқали борадилар.

Бу ерда пойтахтимиз меҳмонларига юк ташувчилар ҳам хизмат кўрсатади. Венгриядан келтирилган махсус информаторлар эса йўловчиларга исталган пайтда, худди ўша соатда қаерга, качон автобус жўнашини маълум қилиб туради. Бу ерда йўловчиларга 22 та касса ва автосправка мосламалари хизмат кўрсатади.

Шуниси диққатга сазоворки, автовокзалнинг кутиш зали ва асосий билетлар зали ёвгарияга ва ГДРда ишлаб чиқарилган чиройли ўриндиқлар, мебеллар билан жиҳозланмоқда. Янги автовокзалимизда биринчи марта олдиндан билет сотувчи кассалар очилади. Юк сақлаш хоналари, ошхона ва кафе, сартарошхона ва бошқа қулайликлар ҳам муҳайё этилмоқда.

Янги автовокзал ишга туширилиши муносабати билан ҳозирги «Самарқанд» автовокзали Тошкент области районлари ва шаҳарларига қатновчи йўловчиларга хизмат кўрсатадиган бўлади. Биз янги автовокзалда йўлга қўйилаётган янгиликлар ва кўпгина қулайликларни келгусида пойтахтимиздаги бошқа автовокзаллар ва автостанцияларда ҳам жорий этамиз. Булар ҳеч шубҳасиз пойтахтимиз меҳмонлари ва кўп сонли шаҳарлараро автобус маршрутларида қатновчи йўловчиларимизга шу куннинг талаблари даражасида сифатли хизмат кўрсатиш, шунингдек, кўрсатилаётган хизмат маданиятини юксалтиришга имкон беради.

Р. РАҲМОНБЕРДИЕВ,
Тошкент область автовокзаллар ва автостанциялар ишлаб чиқариш бирлашмасининг бошлиғи.

Тарихий манбаларнинг гувоҳлик беришича, қадимда Тошкентнинг ўн иккита дарвозаси бўлган экан. Карвонлар шаҳарга киradиган ва олис сафарга йўл оладиган бу дарвозалар ҳеч шубҳасиз ҳозирги пойтахтимизнинг ўтмишида муҳим аҳамият касб этган.

Бугун биз ҳақли равишда Тошкент аэропорти, темир йўл вокзали ва кўплаб автовокзалларни ҳам Шарқда машъал Тошкентнинг ўзига хос замонавий дарвозалари, деб аташимиз. Негаки, жонажон шаҳримиз бугунги кунда фақат республикамиз областлари билангина эмас, шунингдек кўплаб республикаларнинг пойтахтлари билан ҳам автобус маршрутлари орқали боғланган. Шунинг учун ҳам шаҳарлараро автобус маршрутларига хизмат кўрсатувчи Тошкент автовокзаллари ва автостанциялари эндиликда муҳташам шаҳримизнинг диққатга сазовор жойларидан бири бўлиб қолди. Бу автостанциялар ана шу бирлашма ихтиёрида иш олиб боради.

Бирлашмамиз ташкил этилганидан буён бу автостанцияларни ободонлаштириш, йўловчиларга хизмат кўрсатиш маданиятини ошириш, янги маршрутлар очиш ва мавжуд маршрутларда йўловчилар миқдорини ҳисобга олган ҳолда автобуслар сонини кўпайтириш соҳасида бир қатор ишлар амалга оширилди. Жумладан, ўтган йили еттита янги маршрут очилиб, йўловчиларга катта қулайлик яратилди. Тошкент билан Қозоғистоннинг Кентов шаҳрини боғловчи, шунингдек Тошкент— Ленинск ва Тошкент— Фориш, Тошкент — Шайдон маршрутлари шулар жумласидандир.

Бундан ташқари, йўловчиларга қулайлик яратиш мақсадида, уларнинг маршрутларга ва маршрутларнинг қатнаш графикларига бўлган эҳтиёжларини ўрганиш бўйича махсус комиссия иш олиб бормоқда. Бу автобусларнинг жўнаш вақтларини йўловчилар учун янада қулай қилиб белгилаш имконини беради. Ҳозиргача кўпгина маршрутларнинг қатнов графигига ана шу комиссия маълумотлари асосида бир қатор ўзгаришлар киритилди.

Автовокзаллар ва кўпгина автостанцияларда билет тайёрловчи машиналар, билетларни сотувчи автоматлар ва автоматик юк сақлаш хоналари жорий этилди. Автовокзаллар ва станцияларнинг замонавий техника жиҳозлари билан таъминланиши йўловчиларнинг вақтини тежаш, уларга янада яхши хизмат кўрсатиш имконини бермоқда.

Пассажир автохўжаликларини ривожлантиришга ҳам катта аҳамият берилмоқда. Фақатгина ўтган йили йўловчиларга хизмат кўрсатувчи объектларни ободонлаштириш ва ремонт қилиш учун 200 минг сўмдан кўпроқ маблағ сарфланди.

Бирлашмамизда қиш ва ёз ойларида шаҳардан ташқарига чиқиб дам олувчиларга хизмат кўрсатиш ҳам алоҳида аҳамият бериляпти. Шу кунларда Чимёнга саёҳатга бораётганлар учун шанба ва якшанба кунлари Шастри автостанциясидан қатнаётган автобуслар сони кўпайтирилди. Бундан ташқари бу автостанциядан ўз манзилларига йўл олдиган йўловчиларга қулайлик яратиш мақсадида бу ерда автобуслар тўхтайдиган янги жой барпо этилиб, унинг атрофи ободонлаштирилляпти. Шаҳарлараро қатновчи автобуслар кенг тўхташ жойлари билан таъминланмоқда. Келгусида пойтахтимиздаги барча автостанцияларни ободонлаштириш, жумладан Шастри номли автостанцияси вокзал типида қурилаётган янги замонавий биноларга кўчириш кўзда тутилган.

Бу борада амалга оширилаётган ишларнинг энг диққатга сазовори қурилиш монтаж бошқармаси қурувчилари бунёд этдилар. Ҳозир бу ерда сўнгги ободончилик ва жиҳозлаш ишлари олиб бориляпти. Янги автовокзал бир йўла 2,2 минг кишига хизмат кўрсата олади. Унинг 52 та автобус тўхтайдиган жойи бўлиб, уларнинг ҳаммасига йўловчилар бевосита ўсти ёпиқ йўлка орқали борадилар.

Бу ерда пойтахтимиз меҳмонларига юк ташувчилар ҳам хизмат кўрсатади. Венгриядан келтирилган махсус информаторлар эса йўловчиларга исталган пайтда, худди ўша соатда қаерга, качон автобус жўнашини маълум қилиб туради. Бу ерда йўловчиларга 22 та касса ва автосправка мосламалари хизмат кўрсатади.

Шуниси диққатга сазоворки, автовокзалнинг кутиш зали ва асосий билетлар зали ёвгария ва ГДРда ишлаб чиқарилган чиройли ўриндиқлар, мебеллар билан жиҳозланмоқда. Янги автовокзалимизда биринчи марта олдиндан билет сотувчи кассалар очилади. Юк сақлаш хоналари, ошхона ва кафе, сартарошхона ва бошқа қулайликлар ҳам муҳайё этилмоқда.

Янги автовокзал ишга туширилиши муносабати билан ҳозирги «Самарқанд» автовокзали Тошкент области районлари ва шаҳарларига қатновчи йўловчиларга хизмат кўрсатадиган бўлади. Биз янги автовокзалда йўлга қўйилаётган янгиликлар ва кўпгина қулайликларни келгусида пойтахтимиздаги бошқа автовокзаллар ва автостанцияларда ҳам жорий этамиз. Булар ҳеч шубҳасиз пойтахтимиз меҳмонлари ва кўп сонли шаҳарлараро автобус маршрутларида қатновчи йўловчиларимизга шу куннинг талаблари даражасида сифатли хизмат кўрсатиш, шунингдек, кўрсатилаётган хизмат маданиятини юксалтиришга имкон беради.

Р. РАҲМОНБЕРДИЕВ,
Тошкент область автовокзаллар ва автостанциялар ишлаб чиқариш бирлашмасининг бошлиғи.

Тошкент оқшоми босмахонаси хабар беради

«ЙЎЛ АЗОБИ»

Шу сарлавҳа остида босилган материалда 20-маршрут йўқ қилинганлиги кейинги қийинчиликлар кўрсатилган эди.

«Главташпассавтотранс»дан олинган жавобда 20-маршрут бекор қилингач, унинг ўрнини босадиган қатор маршрутлар ишлаб турганлиги ва йўловчилар эҳтиёжи ҳисобга олинганлиги хабар қилинган.

«ГРАФИКСИЗ АВТОБУС»

Газетанинг 6 январь сонида юқоридаги сарлавҳа остида босилган материалда 30-маршрут бўйича қатновчи автобуслар ишидаги нуқсонлар танқид қилинган эди.

«Главпассавтотранс»дан олинган жавобда кўрсатилишича, маршрут ишини яхшилаш мақсадида кичик автобуслар каттаси билан алмаштирилган, қатнов яхшиланган. Аҳолига хизматни яхшилаш ниятида 42-маршрут 127-автоколоннагача узайтирилди. Маршрут иши назорат остига олинди.

ТО Справкалар бюроси

ХАТЛАРГА ЖАВОБ БЕРАМИЗ

Р. МУСАЕВ: Шаҳримизда бухгалтерлар тайёрлайдиган курслар борми?

Жавоб: Сиз ўзингизни қизиқтирган бу масалада Ўзбекистон ССР Марказий статистика бошқармасининг ҳисоблаш хизматчиларини тайёрлайдиган Тошкент область ўқув комбинати бошқармасига мурожаат қилишингиз мумкин. У Луначарское шоссеси, 42-уйда жойлашган. Телефони 66-15-03.

* * *

М. САНДАЛИЕВА: Тошкентда экскурсоводлар тайёрлайдиган курслар бор деб эшитдим. Иложи бўлса ана шу курс қаерда жойлашганлигини маълум қилсангиз.

Жавоб: Тошкент шаҳар саёҳат ва экскурсиялар бюроси қошида экскурсоводлар тайёрлайдиган курслар ишлаб турибди. У Парадлар хиёбони, 5-уйда жойлашган. Ўзингизни қизиқтирган масалалар ҳусусида 39-13-59 рақамли телефон орқали маълумот олишингиз мумкин.

* * *

Л. ЭРГАШЕВ: Тошкентда сартарошлар тайёрлайдиган билим юрти бор экан. У ерга нечанчи синфни битирган ёшлар қабул қилинади?

Жавоб: Собир Раҳимов районининг Арпапоя кўчаси, Кўргул тупиги, 26-уйда 30-техника билим юрти жойлашган бўлиб, бу билим масканида сартарошлар тайёрланади. Унга ўрта маълумотга эга бўлган, 17 ярим ёшдаги йигит ва қизлар қабул қилинадилар. Ўқиш муддати — бир йил.

* * *

Э. АЪЗАМАТ О В: Биз «ФЭД-4» фотоаппарати ва расмларни ишлаш учун керакли ҳамма жиҳозларни олганмиз. Ишлаётган суратимиз эса жуда хира чиқяпти. Мумкин бўлса расмларни ишлашга оид қандай кўлланма китоблар борлигини айтсангиз.

Жавоб: В. Микулининг «Фотографиядан 25 сабоқ», Яштолд Говорконинг «Сурат олиш ва ишлаш» китобидан ва «Советский фото» журналида чиқадиган маслаҳатлардан фойдаланишингиз мумкин.

* * *

Ф. МАДАЛИЕ В А: Шаҳримизда пальто тузатадиган устахона борми?

Жавоб: Бундай устахоналар республикамиз пойтахтининг ҳар бир районида жойлашган. Сиз пальтонингизни тузатиш учун «Ўзбекистон» маиший хизмат кўрсатиш комбинатига, «Баҳор» модалар уйига мурожаат қилишингиз ҳам мумкин.

* * *

Р. ҒОФУРЖОНОВА: Ўғлим спортнинг самбо тури билан шуғулланмоқчи эди. Шаҳримизда спортнинг ана шу турини ўргатадиган мактаблар борми?

Жавоб: Сергели районида спортнинг шу тури бўйича спорт мактаби бор. У ерга мурожаат қилишдан олдин фарзандингизнинг саломатлиги ҳақида врач хулосасини олишингиз керак.

КЎЧА ТАСОДИФЛАРГА ТУЛА

ГАИ АХБОРОТИ

Кондитер фабрикасининг фарроши Зулфия Йўлдошева эрта саҳарлаб ишга отиқар эди. Пиёдалар ўтадиган жойда «Тўхтанг» деган қизил чироқ ёнди. Лекин Йўлдошева ўтишни тақиқловчи сигналга эътибор бермай. Навоий кўчасини кесиб ўта бошлади. Шунда Ю. Тарасов ҳайдаб келаётган «Нисса—522» маркали автомобили уни уриб йиқитди.

З. Йўлдошева танаси жароҳатланган ҳолда тез ёрдам клиник шифохонасига келтирилди.

ЯХШИ МУОМАЛАДА ГАП КЎП

Аҳиллик ва ҳамжиҳатлик— оилага нур, бахт-саодат, лаззат бағишлайди. Арзир-арзимас сабаблар билан оилада жанжал чиқариб, киши тинчлигини бузиш инсофдан эмас. Шу ҳусусда бир воқеа ёдимга тушди.

Аҳмаджон билан Халимахон аҳил яшашарди. Иккаловн ҳам обрўли идораларда ишлашади. Ширингина икки фарзандлари бор. Ейиш-ичиш, кийишдан камчиликлари йўқ. Рўзғордан орттириб «Жигули» ҳам сотиб олишган. Қўни-қўшнилар, таниш-билишлар бу эр-хотинларнинг бир-бирларига бирор қаттиқ гап айтишганини эшитишмаган.

Куз кунларининг бирида Аҳмаджон ишдан уйга одатдагидан кечроқ қайтди. Бугунги мажлисдаги унинг адресига айтилган айрим қаттиқ-қурум гаплардан кўнгли хиралашган, кайфияти йўқ эди. Ўз кўчасига бурилар экан, беихтиёр ҳозир икки боласи у томон чопиб келишини кутиб юра бошлади. Ҳар гал шундай бўларди: у ишдан хоҳ эрта, хоҳ кеч келсин, ўғли ва қизи у томон бир-бирини қувиб чопиб келар, қизи каттароқ бўлгани учун салом берар, ўғли эса нима олиб келганини сўрарди. Шунда Аҳмаджон бутун ташвишларини, чарчоғини унутар, яна кайфияти кўтарилиб кетарди.

Бугун нимагадир улар кўринмас. Аҳмаджон нарироқда ўйнаб юрган болалар ичидан ўз фарзандларини қидирди. Тополмагач, то уйига етиб келгунча хаёли ҳар ёққа олиб-бориб келди. Эшикни очган Халимахон одатдагидек саломлашди, ҳол-аҳвол сўради.

— Тинчликми, болалар қани? — Аҳмаджоннинг овозида ташвишланиш аломатлари ҳамон яққол сезилиб турарди.

— Ўзингиз топингчи, қаёқда улар? — Халимахон бир оз эркаланиб саволга савол билан жавоб берди.

— Майнавозчиликни йиғиштиринг! Мен сиздан сўраяпман. Болалар қани?!

Халимахон эридан бундай оҳангдаги гапни сира эшитмаганди. Бироз довдираб қолди. Кейин одатдагидек кийимини чўтқалашни ҳам унутган Аҳмаджоннинг костюмини кийим илгичга илар экан, секин деди:

— Ойимлар келувдилар. Фарғонага дам олгани кетишаётган экан, бериб юбордим. Болалар ҳам салқинлаб келишсин.

— Ия, мен кимман сизга, мен!— Аҳмаджон овозини баландлатди. Энди у ўзини тута олмай қолган, фикрига эрк бериб юборган эди.— Нимага мендан берухсат қилдингиз бу ишни. Менинг уйда ота деган номим борми-йўқми?!

— Олти ой ёз ўтиб кетяпти, ўйинг келақолишсин дегандим. Бунинг устига онам бегона эмас-ку ахир. Ўзингиз вақт топиб бирор жойга олиб бормадингиз ҳам. Умуман, мен уларнинг онаси бўлатуриб бирор ишни ўз ҳолимча қилаолмаслигим керакми?

— Сен она бўлсанг мен отаман!

Аҳмаджон хотинини ҳеч қачон сенсираб гапиртмаган, бунга Халимахон ҳам қаттиқ ўрганиб қолган эди. Шунинг учун у ҳозир бу сўздан кейин бегона эркаландан ҳақорат эшитаётгандек индамай қолган, бир гапдан қолиб келишмовчиликка чек қўяқолмаганди. Оқибатда Аҳмаджон Халимахонни Фарғонага, онасига болаларни қайтариб олиб келиш ҳақида телеграмма юборишга мажбур қилди. Дафъатан юборилган бу хабар онасининг ҳотиржамлигини йўқотди. унинг устига Халимахон аразлаб уйига кетиб қолди.

Аҳмаджоннинг онласиз. ёлғиз ўтган кунлари кўнгли ҳуфтон бўлиб юрди, ишда ҳам кайфияти кўтарилмади, ҳамкасбларининг асабига тегди. У кечалари мижжа қоқмай чиқар, бўлиб ўтган воқеага ўзича холисона баҳо бериш, ким ҳақ, ким ноҳақ эканлигини ажратишга ҳаракат қилар, бу жанжалда ўзининг бирмунча айби борлигини ҳис этиб турса ҳам, лекин ҳар гал айбни хотинига ағдарарди.

Ҳалимахонга ҳам осон бўлмади. Ўзи сезиб турмушга чиққани учун ҳам унга қийин эди. Ҳар қандай кишининг яхши дўсти ва ҳуш кўрмайдиган ўртоғи бўлганидек, Ҳалимахоннинг ҳам бундай одамлари йўқ эмасди. Қолаверса, у ота-онасига ҳам ташвиш бўлди. «Уч-тўрт кун менсиз яшаб кўрсинчи,— ўйлади у,— шунда қадримга етади. сенсирамайдиган бўлади». Бироқ унинг кўнгли ҳам бу воқеанинг содир бўлишида ҳиссаси борлигини айтиб турар, лекин бунга иқрор бўлиши қийин эди.

Бизнингча, хотин эрининг ишдан кайфиятсиз келганини сезгирлик билан пайқаб, «Кечирасиз, сизни безовта қилгим келмади. Менинг қўнғироғимсиз ҳам ишингиз бошингиздан ошиб ётибди. Энди бундай пайтларда албатта, сиз билан маслаҳатлашаман» деганида олам гулистон эди. Ёки эр иродасизлик қилмай ишхонадаги кайфиятини уйга олиб келмаганида, хотинининг бу айбига «Мендан сўрамай чанки қилибсиз, энди бундай нарсаларни маслаҳатлашмайлик» деса ҳеч қандай жанжал чиқмаган бўларди. Зотан, халқда «қарс —икки қўлдан чиқади» деган нақл бор. Эр-хотин ўртасидаги муносабатда ҳам бу ғоят тўғридир.

Олимлар киши кайфиятининг яхши ёки ёмон бўлиши ишлаб чиқаришга, қолаверса, одамларнинг соғлигига у ёки бу тарзда таъсир кўрсатишини таъкидлашади. Кайфиятнинг қандай бўлиши эса эр-хотин ўртасидаги муносабатга ҳам боғлиқлиги ҳеч кимга сир эмас. Бироқ, афсуски, неча-неча кишилар оилада арзимас нарса сабаб бўлиб чиққан жанжаллардан азоб чекадилар, соғлиққа, ишга путур етказадилар. Одамни йиллар эмас, одамлар қаритади, деган гап рост. Бу кўҳна дунё қанчалик боқий бўлмасин, уни яшартираётган инсонлар умрини узайтириш давримиз тиббиётининг асосий вазифаси бўлиб қолмоқда. Совет медицинасининг бу борадаги ютуқларини ўйлаганимизда, юқоридаги сингари воқеалар эт билан тирноқ ўртасига кирган зирапчага ўхшайди. Беихтиёр кишилар ўртасидаги муомалада бундай зирапчалар бўлмасин, ҳаммамизда яхши соғлиқ, аъло кайфият, юқори иш унуми бўлсин дегимиз келади.

А. ҲАТАМОВ.

ЖАҲОН ОЙНАСИ

ТАСС ва АПН МУХБИРЛАРИ ХАБАР ҚИЛАДИЛАР

КЕМАСОЗЛАР ҒАЙРАТИ

БУХАРЕСТ. Руминиядаги Мангалия шаҳрининг кемасозлик корхонасида 55 минг тонна ҳажмдаги учинчи руда ташувчи кемани қуришга киришилди. Республикада энг янги мана шу кемасозлик корхонасининг стапеллари ва докларида электр пайвандлаш ишлари кечаю кундуз олиб борилмоқда. Биринчи кема ўтган йили сувга туширилган эди.

Янги кемаларни йириш билан айни бир вақтда кемасозлик корхонасининг ўзи ҳам кенгайтирилмоқда.


ЮКСАК СИФАТ

БУДАПЕШТ. Бутун Венгрияда кенг қулоч ёйган «браксиз ишлаймиз» шиори остидаги ҳаракатга Сегед тикувчилик фабрикасининг коллективи актив равишда қўшилди. Тикувчилар маҳсулот сифатини ошириш учун ишлаб чиқаришнинг бутун технология жараёнини қайта кўриб чиқишга қарор қилдилар. Эндиликда газлама энг янги асбоб-ускуналардан фойдаланган ҳолда пухта назоратдан ўтказилади. Янги техника газламани бичиш учун тайёрлашда ҳам меҳнат унумдорлигини оширишга ёрдам берди. Сегед тикувчилари бошқа кўпгина янгиликларни ҳам жорий этдилар.

Натижада фабрикада маҳсулот сифати яхшиланибгина қолмай, миқдори ҳам анча кўпайди. Ҳар сменада 318 та костюм тайёрлаб чиқариш ҳозиргача яхши кўрсаткич деб ҳисобланар эди, эндиликда эса бу ерда 360 тадан костюм тикилмоқда.

ФОЙДАЛАНИШГА ТОПШИРИЛДИ

ПХЕНЬЯН. Корея Халқ Демократик Республикасининг бинокорлари мамлакатдаги энг йирик корхоналардан бири — Хечжу шаҳридаги цемент заводи билан Ёндапхо порти ўртасида лентали янги катта конвейерни фойдаланишга топширдилар. Катта денгиз кўрфази устидан ўтган бу конвейер халқ ҳўжалиги учун зарур бўлган цемент ташиш муддатини икки баравардан зиёд қисқартирди.



ЯПОНИЯ. 1964 йилгача махсус қонун бўйича сейсмологик активлиги билан машҳур бўлган Япон оролларида юқори қаватли бинолар қурилиши таъқиқланиб келинади. Эндиликда янги қонун бўйича бу ерда нўпалб нўп қаватли бинолар қад кўтармоқда.

СУРАТДА: Синдзюк шаҳрида қад кўтарган янги бинолар.

ТАСС фотохроникаси.

ДАВЛАТ БЮДЖЕТИДАН

БАГДОД. Ироқнинг давлат бюджетида бу йил мамлакат қишлоқ хўжалигини ривожлантириш учун 500 миллион динар сарф-лаш кўзда тутилади. Бу маблағлар ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг замонавий илмий методларини жорий этиш, машина-механизмларни кўпайтириш, химиявий ўғитлардан кенг фойдаланиш, паррандачилик ва чорвачиликни ривожлантириш учун мўлжалланган дир.

САВОДСИЗЛИККА ҚАРШИ

ҚОБУЛ. Афғонистонда саводсизликка қарши кураш кенг кампанияси амалга оширилмоқда. Ҳозирги вақтда ана шу проблемани ҳал қилмоқ учун мамлакатда 2500 дан кўпроқ махсус курс ташкил қилинган. Бу курсларнинг тингловчилари ўқиш ва ёзишни ўрганмоқдалар. Саноат корхоналари ва қишлоқ хўжалик кооперативларида ишлаб турган бундай курсларни мамлакатни иқтисодий ва социал ривожлантириш 7 йиллик плани бажарилгунга қадар афғонлардан 80 мингдан кўпроқ киши битириб чиқади.

СЕМИНАР ЎТКАЗИЛДИ

ТЕҲРОН. Эрон пойтахтида Осиё мамлакатлари ўртасида маданият соҳасида ахборот айирбошлаш проблемаларига бағишланган семинар очилди. 18 мамлакат, шу жумладан, Совет Иттифоқи вакиллари иштирокида ўтаётган бу семинарни ЮНЕСКО ташкил этган.

ДЕМОКРАТИК ЁШЛАР АССАМБЛЕЯСИДА

БЕРЛИН. Жаҳон демократик ёшлар федерациясининг X ассамблеяси ўз ишини давом эттирмоқда. Делегатлар бешта маҳаллий-тематик комиссияда замонамизнинг энг муҳим масалаларини ҳал этишда жаҳон ёшларининг иштирокини муҳокама қилмоқдалар.

Африкага доир комиссияда Африка қитъаси халқлари билан халқаро бирдамлик тўғрисида гап борди.

Яқин Шарққа доир комиссиянинг ишида араб халқларининг Исроил агрессиясига қарши олиб бораётган курашига кўпроқ эътибор берилди. Ёшларнинг вакиллари босиб олинган барча араб территорияларидан Исроил қўшинлари олиб чиқиб кетилсин, фаластинлик араб халқининг қонуний ҳуқуқлари, шу жумладан ўз давлатини вужудга келтириш ҳуқуқи эътироф қилинсин, деб талаб этдилар.

Европа қитъасида тинчлик, хавфсизлик ва ҳамкорлик учун курашда ёшларнинг бирлашида ҳаракат қилишлари Европа комиссияси қатнашчиларининг диққат марказида турди.

Жаҳон демократик ёшлар федерациясининг ихтисослаштирилган ташкилотлари ўз ишини тамомлади. Уларнинг яқин тўрт йилга мўлжалланган ҳаракат программаси қабул қилинди ва ташкилотларнинг раҳбар органлари сайланди. Жаҳон демократик ёшлар федерацияси ҳузуридаги болалар ва ўсмирлар ҳаракати халқаро комиссияси, ёшлар туризми ва тажрибани алмашиш халқаро бюроси ҳамда ёшларнинг халқаро бирдамлик ва дўстлик комитети фаолиятида яқин вақт ичида ёшлар ва студентларнинг Гаванада ўтказиладиган XI жаҳон фестивалига тайёргарликка катта эътибор берилди.

ЎЗАРО МАНФААТЛИ ҲАМКОРЛИК

КОЛОМБО. Шри Ланка жамоатчилиги иқтисодий, савдо-сотиқ ва маданий ҳамкорлик тўғрисида Совет Иттифоқи билан Шри Ланка ўртасида тузилган ҳукуматлараро битимлар имзоланган кунининг 20 йиллигини нишонлади. Шри Ланка газеталарининг ёзишича, бундан йигирма йил муқаддам ҳар икки мамлакат ўртасида муваффақиятли савдо-иқтисодий ҳамкорлик пойдеворига асос солинган эди. Ана шу давр мобайнида, деб таъкидлайди «Дейли ньюс» газетаси, Шри Ланка — Совет савдо муносабатлари ҳуқуқий тенглик ва ўзаро манфаатдорлик асосида ривожланди.

1958 йилдан тортиб, 1976 йилгача ҳар икки мамлакат ўртасидаги товар оборати 6.5 баравар кўпайди ва қарийб 40 миллион долларга етди. Совет Иттифоқи Шри Ланкага машина-у с к у н а л а р, станоклар, тракторларни, хилма-хил қурилиш — йўл техникасини, юк автомашиналарини экспорт қилмоқда ва шу билан бирга самарали технологик жиҳозлар ва запас қисмларни ўз вақтида етказиб беришни таъминламоқда. Совет Иттифоқидан олинаётган моллар орасида, пахта, гавлама, қоғоз, ўғит ва медицина препаратлари ҳам бор.

СССРда Шри Ланканинг чой, каучук, кокс ёнғоғи маҳсулотлари каби анъанавий экспорт молларига талаб катта. Шри Ланка Совет Иттифоқига экспорт қилаётган молларнинг 95 процентига яқин тарифлар имтиёзи берилмоқда.

Матбуот таъкидлаб ўтганидек, ҳар икки мамлакат ўртасидаги савдо-и қ т и с о д и й алоқаларнинг ривожланиши турли ижтимоий тузумдаги давлатларнинг ўзаро манфаатли ҳамкорлигини яққол кўрсатиб турадн.

А. БИЧКОВ.

Ўқитувчи малакаси ҳақида

(МАШҲУР ОЛИМЛАРДАН РИЗОУДДИН ИБН ФАХРИДДИННИНГ «ОДОБИ ТАЪЛИМ» АСАРИДАН)

Илм ўз ҳаддида санъат жумласидан бўлгани учун бошқа санъатлар каби маданият ва ободончиликка тобе бўлади. Маданият тараққий этган сари илм ҳам тараққий этади, ободончилик, фаровончилик гўзаллашган сари мўътабар илмга эҳтиёж кўпаяди.

Ҳар нарсанинг қиммати ва келтирадиган фойдаси — у нарсанинг пухталиги ва гўзаллигига нисбатан берилади. Гўзалликни учун қайрат қилинса, қиммати ҳам ортиши, ҳафсаласизлик қилинса, эътибори ҳам пасайиши далилга муҳтож эмасдир. Шунга кўра таълим усули қандаси бўйича дарс берган, тарбия этган муаллимларнинг ўқувчилари ҳам шу нисбатда илмдан истифода этадилар.

Дарс бериш усулига риоя этиш муаллимнинг фахрли бурчи саналади. Дарс бериш усулида диққат қилинадиган улуғ қоидалар эса тубандагичадир:

1. **Китоб** — агар таълим китоб ўқитиш орқали бўлса, у китобнинг дарс учун ёзилиб, таълим арбоби тарафидан дарслик этиб қабул этилган бўлиши лозимдир.

2. **Ихчамлик**— бериладиган дарс ихчам ва фойдали бўлиши керак. Узундан-узун иборатлар, мужмал жумлалардан эҳтиёт этиб, дарсдан кузатилган асосий модда енгил ва очиқ англатилсин. Дарс вақтида муаллим олдида китоб бўлмасин, муаллим бир китобга қараб, бир сўзлаб турмасин. Бериладиган дарс унутилмаслиги учун ўтилиши керак бўлган моддаларни бир қоғозга ёзиб олиб, керак бўлган вақтда унга кўз солиш зарар келтирмайди.

3. **Таққослаш** — берилган дарсни амалиёт билан таққослаш лозим. Масалан, география дарсида ҳарита ва глобуслардан фойдаланиш лозимдир. Умуман таққослаш, солиштириб кўриш амалиётини ижро этмасдан бошқа дарсга кўчиш муносиб эмасдир.

4. **Такрор**— дарсларни унутиш хавфи бордир. Шунинг учун муаллим бугун ўтиладиган дарсга киришмасдан, аввал кеча ўтилган дарсни қайтариб ўтиши керак, шундай қилинса, дарслар болаларнинг хотираларидан чиқмайди. Шу билан бирга, ҳар дарсни икки-уч марта такрор этиш кўпроқ фойда беради.

5. **Ёдга олдириш**— болаларга зеҳнлари кўтарадиган даражада ёзилган шеърлар, ҳикматли сўзлар, масаллари ёдлатиш фойдадан ҳоли эмас. Бу нарсалар болаларнинг зеҳнларини очади, ёдлаш қувватини оширади. Ахлоқ-тарбия нуқтаи назаридан ёзилган ва болаларнинг ёшларига муносиб бўлган шеърларни ёдлатиш шартдир.

6. **Ҳозирланиш** — муаллим бўлган зот берадиган дарсига энг аввал яхши ҳозирланиб, сўнгра дарс бериши шартдир. Дарсга ҳозирланиб келмаган муаллимнинг дарсидан фойда кутилмайди.

7. **Фасоҳат** — муаллим ҳозирлаб келган дарсини бор қувватини сарф этиб, гоят чиройли этиб, фасоҳат билан сўзлаши лозим. Кераксиз жумлалар, бир сўзни қайта-қайта такрорлаш муносиб эмасдир.

8. **Тажриба ва такомиллаштириш** — муаллим ҳар дарсидан бир тажриба олиб, ўз камчилигини битиришга ғайрат қилиши лозимдир. Таълим-тарбиядаги малакасини такомиллаштириш учун шу мақсад учун очилган олий ўқув юртларига вақти-вақти билан қатнаб туриши керак.

Ш. ЗУННУН тайёрлаган.



• Таълим одоби

Ўқитувчи малакаси ҳақида

(МАШҲУР ОЛИМЛАРДАН РИЗОУДДИН ИБН ФАХРИДДИННИНГ «ОДОБИ ТАЪЛИМ» АСАРИДАН)

Илм ўз ҳаддида санъат жумласидан бўлгани учун бошқа санъатлар каби маданият ва ободончиликка тобе бўлади. Маданият тараққий этган сари илм ҳам тараққий этади, ободончилик, фаровончилик гўзаллашган сари мўътабар илмга эҳтиёж кўпаяди.

Ҳар нарсанинг қиммати ва келтирадиган фойдаси — у нарсанинг пухталиги ва гўзаллигига нисбатан берилади. Гўзалликни учун қайрат қилинса, қиммати ҳам ортиши, ҳафсаласизлик қилинса, эътибори ҳам пасайиши далилга муҳтож эмасдир. Шунга кўра таълим усули қандаси бўйича дарс берган, тарбия этган муаллимларнинг ўқувчилари ҳам шу нисбатда илмдан истифода этадилар.

Дарс бериш усулига риоя этиш муаллимнинг фахрли бурчи саналади. Дарс бериш усулида диққат қилинадиган улуғ қоидалар эса тубандагичадир:

1. **Китоб** — агар таълим китоб ўқитиш орқали бўлса, у китобнинг дарс учун ёзилиб, таълим арбоби тарафидан дарслик этиб қабул этилган бўлиши лозимдир.

2. **Ихчамлик**— бериладиган дарс ихчам ва фойдали бўлиши керак. Узундан-узун иборатлар, мужмал жумлалардан эҳтиёт этиб, дарсдан кузатилган асосий модда енгил ва очиқ англатилсин. Дарс вақтида муаллим олдида китоб бўлмасин, муаллим бир китобга қараб, бир сўзлаб турмасин. Бериладиган дарс унутилмаслиги учун ўтилиши керак бўлган моддаларни бир қоғозга ёзиб олиб, керак бўлган вақтда унга кўз солиш зарар келтирмайди.

3. **Таққослаш** — берилган дарсни амалиёт билан таққослаш лозим. Масалан, география дарсида ҳарита ва глобуслардан фойдаланиш лозимдир. Умуман таққослаш, солиштириб кўриш амалиётини ижро этмасдан бошқа дарсга кўчиш муносиб эмасдир.

4. **Такрор**— дарсларни унутиш хавфи бордир. Шунинг учун муаллим бугун ўтиладиган дарсга киришмасдан, аввал кеча ўтилган дарсни қайтариб ўтиши керак, шундай қилинса, дарслар болаларнинг хотираларидан чиқмайди. Шу билан бирга, ҳар дарсни икки-уч марта такрор этиш кўпроқ фойда беради.

5. **Ёдга олдириш**— болаларга зеҳнлари кўтарадиган даражада ёзилган шеърлар, ҳикматли сўзлар, масаллари ёдлатиш фойдадан ҳоли эмас. Бу нарсалар болаларнинг зеҳнларини очади, ёдлаш қувватини оширади. Ахлоқ-тарбия нуқтаи назаридан ёзилган ва болаларнинг ёшларига муносиб бўлган шеърларни ёдлатиш шартдир.

6. **Ҳозирланиш** — муаллим бўлган зот берадиган дарсига энг аввал яхши ҳозирланиб, сўнгра дарс бериши шартдир. Дарсга ҳозирланиб келмаган муаллимнинг дарсидан фойда кутилмайди.

7. **Фасоҳат** — муаллим ҳозирлаб келган дарсини бор қувватини сарф этиб, гоят чиройли этиб, фасоҳат билан сўзлаши лозим. Кераксиз жумлалар, бир сўзни қайта-қайта такрорлаш муносиб эмасдир.

8. **Тажриба ва такомиллаштириш** — муаллим ҳар дарсидан бир тажриба олиб, ўз камчилигини битиришга ғайрат қилиши лозимдир. Таълим-тарбиядаги малакасини такомиллаштириш учун шу мақсад учун очилган олий ўқув юртларига вақти-вақти билан қатнаб туриши керак.

Ш. ЗУННУН тайёрлаган.

◆ ҲИКМАТ— БИР ҲОВУЧ ОЛТИН

ШАРҚ ҚАТРАЛАРИ

▲ Муҳаббатни қанча яширишга уринма, шунча юз-кўзга уради.

▲ Ошиқ дили бир гап айтмоқчи бўлганда, тили бошқача гапирса дилига ишон.

▲ Муҳаббатга дучор бўлган — дунёда бор-йўғини ҳам унутиб қўяди.

▲ Севишганлар ажралиб бўлса ҳам, руҳларини ажратиб бўлмайди.

▲ Ошиқ ўз севгилисига эришганида—бутқул олам ҳам уники бўлади.

▲ Ошиқ учун дунё— севгани яшайдиган ердан бошланади.

▲ Муҳаббат — кўзни кўр, қулоқни кар қилиб қўяди.

▲ Ошиқ — серхаёт бўлади.

▲ Муҳаббат учун ҳеч кимни камситиб бўлмайди.

▲ Муҳаббат мўъжизаси — севганни ҳар кўйга солиб қўяди.

▲ Қалбингни мафтун этган— жисмингга ҳам эга бўлади.

▲ Муҳаббат қадри — шу йўлда чекилган азоб-уқубатга тенг бўлади. Зотан, муҳаббат — машаққат билан сайқал топади.

▲ Меҳнат— ихлос билан,
Муҳаббат — ибо билан.

Филология фанлари кандидати Р. ЖУМАНИЁЗОВ тўплаган.

◆ АЁЛЛАР, СИЗЛАР УЧУН

КИЙИМНИ УЙДА ТОЗАЛАШ

Баҳмалдан, чийдухобадан тикилган кўйлак, юбка, шимларни ювмай химчисткага бериб тозалаган маъқул. «Химчистка»ни уйда қилиш ҳам мумкин. Бунинг учун кир ювиладиган порошокнинг бирон хили кўпиртирилган сувга чўтка ёки юмшоқ губкани ботириб, текис ерга ёйиб қўйилган кийимни чўткаланг. Шундан кейин чўтка ёки губкани тоза сувда чайиб, намлигича яна кийим устидан юргизиб чиқинг. Доғ ва ниҳоятда кир бўлган ерларига порошокдан сепиб, чўтка билан эҳтиёт бўлиб тозаланг.

Борди-ю бахмал кийимларингиз жуда кирланиб, ювишга эҳтиёж бўлса, катта тогорада, сувни мўл қилиб ювинг. Сув илиқ бўлиб, кир ювиш порошоги обдон эритилсин. Ювиш вақтида қаттиқ ишқаламанг ва бураб сиқманг.

Чайгандан сўнг сувини бармоқларингиз билан сидириб сиқинг. Юбка ва шимларни чайиб сочиқ ёки чойшабга ўраб сиқиш мумкин. Бунинг учун кийимни сочиқ ва чойшаб устига формасини тўғрилаб ёзилади-да, сўнг чойшаб билан бирга қатланиб сувн шимдирилади. Шундан кейин қатлари тўғрилаб ёйилади.

Кўйлакни кийим илгичга кийдириб, қуритилади. Бахмал кийим намлигида тескари томондан дазмол босилади. Бахмал қанчалик юмшоқ нарсанинг устида дазмол қилинса, тақир бўлмай янгидек чиқади.



— Оналик бахтини топдим, ўн бир фарзандим қўш қанотим бўлди. Уларнинг тарбияси, қувонч-ташвиши билан бўлсам ҳам, чарчаш нималигини билмайман, ишқилиб фарзандларим эл-юртга хизмат қиладиган яхши одамлар бўлиб етишишса бўлди,— дейди Тоҳира опа Мирзаахмедова.

Ували-жували бу онахон шаҳримиздаги тикувчилик бирлашмасида кўп йиллардан бери фидокорона меҳнат қилиб, ойлик планларини ортиғи билан бажариб келмоқда.

СУРАТДА: қаҳрамон она Тоҳира Мирзаахмедова фарзандлари— Феруза, Гўзал, Равшан, Рустам, Шаҳло, Шаҳноза, Мурод, Дилшод, Диёр, Қаҳрамон, Гулнозалар даврасида.

Х. Суннатуллаев фотоси.

• Пазанда маслаҳати

БАҲОР ТАОМЛАРИ

Маълумки, кунлар исий бошлаши билан, айни баҳор кезлари кишининг бироз иштаҳаси бўғилиб, дармони қурийди. Шундай кезларда ялпиз кертиб юзига сепилган, оппоқ қатиқланган суюқ овқатларни ичанга нима етсин. Қуйида шундай таомлардан икки хили ҳақида тўхтаб ўтмоқчимиз.

МОШХЎРДА. У сур гўштдан жуда хушхаъм бўлади. Одатдагидек пиёзни доғ қилиб, гўштни қовуриб олгач, сув қўшиладида, обдон тоза ювилган мош қозонга солинади. Мош қайнаб очилишига яқин гуруч солинади. Мош билан гуруч қатиқроқ қайнатилса таом шира тортиб, тамлн пишади. Лекин гуруч жуда эзилиб кетмаслиги керак. Мошхўрда пишиши билан ўт ўчирилиб, қопқоқ ёпиб ўн минут чамаси тиндириб қўйилади.

Косаларга сузилган мошхўрда юзига майда кертилган ялпиз. қатиқ қўшиб дастурхонга тортасиз.

Бир пиёла мошга бир пиёла гуруч соласиз. Гўшт, ёғлар таъбга қараб солинади.

ЖАЗ ШЎРВА. Бу шўрвани хоҳланг сур гўштдан, хоҳланг янги гўштдан тайёрланг. Пиирикроқ жаз қилиб тўғралган гўштни обдон қизиган ёғда қовурасиз. Бир оз усти қизаргач. пиёз соласиз. Ўтни пасайтириб қўйсангиз. гўшт юмшаб пишади. Пиирик тўғралган картошка, бироз томат ёки помидор қоқи солиб қовуришни давом эттирасиз. Сўнг қозонга сув қуйиб картошка пишиб етилгунча қайнатасиз. Ҳар бир косага учтўрттадан жаз. картошка солиб. майда тўғралган кўк пиёз қўшасиз-да. дастурхонга тортасиз.

СОВЕТ ТУРМУШ ТАРЗИ

ОИЛАНИНГ ТАШВИШ ВА ҚУВОНЧИ

Минскдаги заводлардан бирининг ходими С. М. Шчуцкаяга «Қаҳрамон она» фахрий номи берилди. Бундан 20 йил муқаддам ана шу номга сазовор бўлган пенсионер она Л. А. Гинтовт биринчи бўлиб уни табриклади.

— Катта оила — катта бахт, — дейди Леокадия Антоновна. — Менинг ўн фарзандим ҳам улғайган. Кенжа қизимдан бошқа ҳаммалари оилалик, уйли-жойлик бўлсалар ҳам оналарини унутмайдилар. Фарзандларим ҳар куни мендан хабар олиб туради, мен билан ўз муваффақиятларини, қувонч ва ташвишларини баҳам кўрадилар.

Байрам кунлари эса ҳаммалари оналари ҳузурига келадилар. Ана шунда кенг уй торайиб қолади. Ахир оилада олти қиз, тўрт ўғил, тўққиз куёв ва келин, йигирма олти невара бор.

...Трамвай кондуктори Леокадия Антоновна ва қуювчи Максим Степанович Сисойлар оиласи тез кўпайди. Кенжа қизлари дунёга келганда катта қизлари ҳали 20 ёшга тўлмаган эди. Шунча болани ўстириб тарбия қилиш осон эмас. Айниқса урушдан кейинги дастлабки йиллар жуда қийинчилик билан ўтди. Лекин оила давлатнинг ғамхўрлиги ва моддий ёрдами туфайли бир кун ҳам муҳтожлик сезмади. Давлат шу оиланинг тўнғич фарзандларига мактабни тамомлаб чиққандан сўнг ўзига маъқул касбни эгаллашда ёрдам берди.

Бу катта ишчи оиласининг аъзолари ҳозирги кунда Минскдаги бир қанча корхоналарда меҳнат қилмоқдалар. Улар орасида қуювчи, станокчи, слесарь, электр пайвандчи ва кранчилар бор.

Кўп болали она... У бизнинг мамлакатимизда иззат-ҳурматга сазовор. Шунинг учун ҳам ўттиз етти яшар ишчи Светлана Максимовна Шчуцкая ўзининг беш ўғли ва беш қизи истиқболи учун ташвишланмайди. Давлат, корхона маъмурияти, касаба союзлари уни доимо қўллаб-қувватлайди. Бу ёрдам фақат моддий ёрдам ёки болалар шифохоналарига бепул йўлланмалардангина иборат эмас. Тўнғич ўғиллар мактаб-интернатда ўқишади. Улар бу ерда бутунлай давлат таъминотида. Оиланинг беш кенжатойи эса болалар боғчаси ва яслиларида текин тарбияланмоқда.

Бу катта оиланинг тақдири — СССР янги Конституцияси қондаларининг амалдаги ифодасидир.

(ТАСС).

Редактор
С. М. КАРОМАТОВ.

3 БЕТ. ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

2 МАРТ, 1978 й.

ТОШКЕНТ САЁҲАТ ВА ЭКСКУРСИЯЛАР БЮРОСИ

САМОЛЕТЛАРДА САЁҲАТ ҚИЛИШНИ ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

Маршрутлар	Неча кун давом этиши	Муддати	Иэтиёзли баҳоси апрель ойига	Тўла баҳоси
КИСЛОВОДСК	20	28 мартда, 18 апрелда	187 сўм	200 сўм
ЕССЕНТУКИ	20	11 мартда	195 сўм	
СОЧИ	20	14 мартда, 4 25 апрелда	193 сўм	230 сўм
БОТУМИ	20	20 апрелда	227 сўм	230 сўм
ПИЦУНДА	20	27 мартда	200 сўм	217 сўм
ЯЛТА	20	4 апрелда	260 сўм	
ГЕЛЕНДЖИК	20	15 апрелда	225 сўм	244 сўм
МАЖЕЙКЯЙ — ПАЛАНГА	20	25 мартда, 27 апрелда	300 сўм	350 сўм
БИРШТОНАС — ПАЛАНГА	20	4, 14, 24 апрелда	275 сўм	300 сўм
КИЕВ — ЛЕНИНГРАД	15	31 мартда, 28 апрелда	250 сўм	300 сўм
ЛЕНИНГРАД — ВИЛЬНЮС	14	9 мартда, 6 апрелда	212 сўм	
ЛЕНИНГРАД — ТАЛЛИН	15	14, 21, 31 мартда	228 сўм	
«ОЛТИН ҲАЛҚА» (қадимий рус шаҳарлари: Суздаль — Владимир — Гусь — Хрустальний — Кострома ва бошқалар)	15	27 мартда, 25 апрелда	225 сўм	
СОЧИ (Лазаревское)	20	23 апрелда	220 сўм	236 сўм

ЯКШАНБА КУНИ МАРШРУТЛАРИГА

КОЛЛЕКТИВ БУЮРТМАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНМОҚДА

МОСКВАГА 29 апрелдан 3 майгача — 5 кун. Баҳоси — 166 сўм.

КИЕВГА 14 апрелдан 18 апрелгача, 29 апрелдан 3 майгача — 6 кун. Баҳоси 205 сўм.

МИНСККА 29 апрелдан 3 майгача — 5 кун. Баҳоси — 210 сўм.

ВОЛГОГРАДГА — 5 апрелдан 7 апрелгача — 3 кун. Баҳоси 134 сўм.

ОДЕССАГА 28 апрелдан 2 майгача — 5 кун. Баҳоси — 182 сўм.

ТБИЛИСИГА 8 мартдан 12 мартгача — 3—5 кун, 21 апрелдан 23 апрелгача, 28 апрелдан 2 майгача — 3—5 кун. Баҳоси 145 сўм.

Фабрика — завод маҳаллий комитетларига якшанба куни маршрутларининг путёвкалари баҳосининг 70 процентигача ҳақ тўлашларига руҳсат этилади. Корхона касаба союз аъзоси, шуниндек шу аъзоларнинг оилаларига бундай имтиёз белгиланган.

Самолётдаги саёҳатлар путёвкаларининг қимматига саёҳат манзилига бориш ва келиш, меҳмонхоналарда яшаш, экскурсия хизмати ва овқатланиш киради.

«ТОШКЕНТ» туристик поездига путёвкалар сотиш давом этмоқда

Белоруссия ва Болтиқ бўйи шаҳарлари бўйлаб:

Тошкент — Смоленск — Минск — Брест — Вильнюс — Каунас — Калининград — Рига — Таллин — Ленинград — Выборг — Ярославль — Куйбишев — Тошкент. Саёҳат 24 мартдан 14 апрелгача давом этади. Путёвканинг баҳоси — 225 сўм.

Украина ва Закарпатье шаҳарлари бўйлаб:

«Тошкент — Харьков — Киев — Львов — Ужгород — Киев — Львов — Мукачево — Ряхов — Яремча — Черновци — Кишинёв — Одесса — Херсон — Севастополь — Волгоград — Тошкент». 17 апрелдан 8 майгача. Путёвканинг баҳоси — 226 сўм.

«Дилором» поездида Самарқанд — Бухоро шаҳарларига 7 апрелдан 10 апрелгача саёҳат ўтказилади. Путёвканинг баҳоси 41 сўм.

Путёвканинг баҳосига саёҳат манзилига бориш ва қайтиб келиш, поезд вагонларида яшаш, вагон-ресторанларда уч маҳал овқатланиш, шаҳарларда экскурсия хизмати, сафар давомида кўрсатиладиган маданий-оммавий хизмат киради.

САФАРИНГИЗ БЕХАТАР БЎЛСИН, ҚАДРДОН ТОШКЕНТЛИКЛАР!

Бизнинг адресимиз: 700078, Тошкент шаҳри, Парадлар хиёбони, 5-уй. Телефон: 39-13-59.

АРЗОНЛАШГАН БАҲОЛАРДА

1978 ЙИЛ 1 МАРТДАН БОШЛАБ

ТОШКЕНТ ШАҲРИДА АРЗОНЛАШТИРИЛГАН БАҲОЛАРДА МОЛЛАРНИ СОТИШ ТАШКИЛ ЭТИЛДИ.

Бундай молларга қуйидагилар киради:

тоза жунли ва жун аралашган, майин сукноли, тоза жунли ва яримжун аралашган дағал сукноли газламалар;

кийим-кечаклар ва ички кийимлар;

пайпоқ-носки буюмлари — капрон ва эластик толадан тўқилган пайпоқлар;

бош кийимлар;

пойафзалларнинг айрим турлари — чармли, газламали, ҳар хил материалдан тикилган, резинали;

мактаб-идора моллари —шарикли ва пероли авторучкалар, автоқаламлар ва улар учун термалар, сиёҳдон буюмлари, логарифмик чизғичлар, ўқувчилик перолари;

металли ва пластмассали идишларнинг айрим турлари;

галантерея моллари;

табиий ва сунъий чармдан тайёрланган моллар;

металли галантерея моллари орасида қуйидагиларнинг баҳоси камайтирилади: туғмачалар, бигудилар, галстукларнинг қисқичлари, тўғноғичлар, кулонлар, медальонлар, упадонлар, запонкалар, значоклар, зажигалкалар, портсигарлар, механик бритвалар.

Арзонлаштирилган баҳодаги молларни қуйидаги магазинлардан сотиб олишингиз мумкин:

«ТАШПРОМТОРГ» МАГАЗИНЛАРИ

10 — Олой бозори.
20/3 «Қўйлиқ» массиви.
49 — Фарҳод ярмаркаси.
65/1 — Бешоғоч бозори.
170/1 — Навоий кўчаси, шаҳар ярмаркаси.
154 — Октябрь бозори.

«ТАШОБУВЬТОРГ» МАГАЗИНЛАРИ

2 — Госпиталь бозори.
6 — «Қўйлиқ» массиви.
14 — Октябрь бозори.
15— Навоий кўчаси, ярмарка.
17 — Навоий кўчаси, Марказ—4.
17/1 — Олой бозори.
30 — Фарҳод ярмаркаси.

«ТАШТЕКСТИЛЬШВЕЙТОРГ» МАГАЗИНЛАРИ

6/7— Бешоғоч бозори.
9/16 — Олой бозори.
19 — Октябрь бозори.
36 — Новомосковская кўчаси, 17-уй.
38 — Фарҳод ярмаркаси.
43 — Ленин проспекти, Марказ — 5, 67-уй.
65/60— Қўйлиқ бозори.
74 — Госпиталь бозори.

«ТАШКОМИССИОНТОРГ» МАГАЗИНЛАРИ

17 — Навоий кўчаси, шаҳар ярмаркаси.
19 — Паркент бозори.
25 — Октябрь бозори.
28 — 1 май бозори.
29 — Октябрь бозори.
34, 38 — Олой бозори.
35 — Госпиталь бозори.
36 — Фарҳод ярмаркаси.
47 — Фрунзе бозори.
51 — 1 май бозори.

ОРС — НОД — 1.

ЦУМ, ГУМ ва Тошкент «Болалар дунёси» универмагининг махсус секциялари.

ТОШКЕНТ ШАҲАР ИЖРОИЯ КОМИТЕТИНИНГ БОШ САВДО БОШҚАРМАСИ.

«УЗТОРГРЕКЛАМА» ТЕЛЕПРЕССАГЕНТЛИГИ.

«ТАШТЕКСТИЛЬШВЕЙТОРГ» МАГАЗИНЛАРИДАН

ХАЛҚАРО ХОТИН-ҚИЗЛАР КУНИ

8 МАРТ БАЙРАМИ АРАФАСИДА

ХОТИН-ҚИЗЛАРНИ БЕҲАД ҚУВОНТИРАДИГАН РАНГ-БАРАНГ

СОВҒА БУЮМЛАРИНИ СОТИБ ОЛИНГ!



Гулли ва сидирға рангли газламалардан чиройли ва бежирим тикилган кўйлаклар, сарафанлар, блузкалар, ёки сунъий ва табиий шойидан, кримплендан тикилган тайёр кўйлакларни сотиб оласиз.

Улар Тошкентдаги республика «Модалар уйи»нинг мутахассислари тайёрлаган моделлар асосида Тошкент тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасида тикиб чиқарилган.

Жунли газламалардан баҳорда кийиладиган костюмлар, шимли ансамбларни тикиб олиш мумкин. Гуллари ранг-баранг бўлган, ҳар хил йўл-йўли ва катакли газламаларни сотувга кўплаб қўйилган.

Ёз фаслида кийиш учун штапелли газламадан тикилган кўйлакларни сотиб олишни маслаҳат берамиз.

Агарда штапель газламасини сотиб олсангиз, ундан ёз фасли учун мўлжалланган енгил ва бежирим кўйлак тикиб олишингиз мумкин.

Энди, қадрдон хотин-қизларимизга бир нечта маслаҳатларимизни тавсия қиламиз.

1978 йилнинг модаси жуда ҳам жозибали ва ранг-барангдир. У ана шу мавсум учун мўлжалланган ранг-баранг модадаги кийимлардан биронтасини танлашга мажбур қилмайди. Лекин, сизнинг дидингизга кўпроқ манзур бўладиган моделларни ўзингизга ҳавола қилади. Магазинларга чиқарилган ранг-баранг хилдаги газламалар бу муаммони ҳал қилишда сизга ёрдам беради.

Ёш сарв қомат қизларга ранги яққол кўзга ташланадиган, бўёқлар билан ҳамоҳанг бўладиган моделда тайёрланган спорт кийимлари жуда ҳам ярашиб туради. Ўттиз ёш ва ундан ошган хотин-қизлар учун майин сипо рангли газламалар — кулранг, жигарранг, тўқ зангори, мошранг ва бошқа газламалардан кийимлар тикиш маслаҳат берилади.

Кримплен, «жерси» газламасидан тайёрланган енгил пальтолар ҳам байрамга муносиб совғадир.

«Таштекстильшвейторг» барча хотин-қизларни яқинлашиб келаётган 8 март байрами билан қизғин қутлайди ва ўзининг магазинларига таклиф этади:

1 — Ш. Руставели кўчаси, 13-уй.
7—Олмазор кўчаси, 169 «а»-уй (Бешоғоч).
23 — Навоий кўча, шаҳар ярмаркаси.
12 — М. Горький майдони, 54-уй.
36— Новомосковская кўчаси, 17-уй.
9, 10 — Олой бозори.
18, 19, 22 — Октябрь бозори.
17/1-«Қўйлиқ» массиви, Мунис кўчаси.
15 — 2/4-«Қорақамиш» массиви, 45-уй.
35 — Октябрь бозори.
40 — Халқлар дўстлиги проспекти, 34-уй.
43 — Ленин проспекти, Марказ—5, 67-уй.
47 — Новомосковская кўчаси, 18-уй.
49 — Олой бозори.
54 — Черданцев кўчаси, 22-уй.
65 — Куйбишев шоссеси, 844-уй.
74 — Госпиталь бозори.

«ТАШТЕКСТИЛЬШВЕЙТОРГ»
«УЗТОРГРЕКЛАМА» ТЕЛЕПРЕССАГЕНТЛИГИ.

Ўзбек Давлат филармонияси

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА

3 МАРТ, СОАТ 19.00 ДА

М. ҚОРИЕҚУБОВ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ ФИЛАРМОНИЯСИ

«ЎЗБЕКИСТОН- ГУЛЛАРИ» АНСАМБЛИНИНГ

КОНЦЕРТИ

ҚАТНАШАДИЛАР:

ХОНАНДАЛАР:

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар:

ҚУВОНДИҚ ИСКАНДАРОВ, ШАРИФ СУЛТОНОВ Фахриддин УМАРОВ, Ҳожиакбар ҲАМИДОВ, Ойхон ЁҚУБОВА, Изомжон САДРИЕВ;

РАҚҚОСАЛАР:

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист МУҲТАБАР ИЛЛДОШЕВА

Гулчеҳра ИСМОИЛОВА, Зуҳра ҒОЗИЕВА, Ражаб ИСМОИЛОВ;

Оригинал жанрда —Собир МАҲКАМОВ;

ЎЗБЕК ХАЛҚ ЧОЛҒУ АСБОБЛАРИ АНСАМБЛИ.

«Ўзбекистон гуллари» ансамблининг бадиий раҳбари — Ўзбекистон ССР халқ артисти Муҳаммаджон МИРЗАЕВ.

Музика раҳбари — Азиз МУЛЛАХОНОВ.

Программани — Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Ғулом ТОЖИАҲЛОЕВ олиб боради.

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 4/III да **Афсоналар водийси.**

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 2//III да **Қалбн олов** (19.00), 3/III да **Рўйхатларда йўқ** (19.30).

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 2/III да **Тошболта ошиқ**, 3/III да **Она қизим.**

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЕШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА —2/III да **Кузингни каттароқ оч**, 3/III да **Ишқ қурбонлари** (18.00).

ЦИРК

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — **Янги Москва цирки артистларининг гастролларн.**

КИНО

3 МАРТДА

САНЪАТ САРОЙИ — **Карпат довонлари** (катта зал, кундуз ва кечқурун).

Бўрондаги олишув — «ЎЗБЕКИСТОН» (11, 12, 13, 14, 15, 19, 21.00), «НУКУС» (11, 13, 15, 17, 19, 21.00), «ДРУЖБА» (12, 14, 16, 18, 20.00), «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ номли (11,15, 13, 14,45, 16.30, 18.15, 20, 21.30), «ВОСТОК» (10.20, 12, 14, 16, 18, 19.40, 21.10), «МОСКВА», «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (жуфт соатларда).

Қуролланган ва жуда хавфли— НАВОИЙ номли (кундуз ва кечқурун),' «ДРУЖБА» (тоқ соатларда).

Тақдир — «ЧАЙКА» (11.30, 14.30, 17.30, 20.30).

Хизматдош ошиқлар қиссаси — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (11, 13.30, 16, 18.30, 21.00).

Юлия Вревская — «ИСКРА» (19.30).

«МАЛИШ»—КИЧКИНТОЙЛАРГА

Оилангизда кичкинтой дунёга кёлди. Бу воқеа қанчалик-қанча бахтиёр онларга сабабчи бўлмайди, дейсиз? Жажжи фарзандга ҳам кийим-кечак, ҳам алоҳида каравотча, ҳам сайл учун болалар аравачаси зарур.

Аммо боланинг саломатлиги ва ҳаёти учун энг зарур нарса уни яхши ва тўғри овқатлантиришдир.

Янги туғилган бола учун кўкрак сути, шубҳасиз, энг яхши таомдир. Бироқ кўкрак сути бўлмаган ёки у етишмаган тақдирда нима қилиш керак?

ҲУРМАТЛИ ОТА-ОНАЛАР! ОНА СУТИ БЎЛМАГАН ЁКИ У ЕТИШМАГАН ВАҚТДА БОЛАЛАРНИ ОВҚАТЛАНТИРИШ УЧУН «МАЛЮТКА» ВА «МАЛИШ»ДАН ФОЙДАЛАНИНГ.

«Малютка» ва «Малиш» энг яхши, аъло сифатли сигир сутига қаймоқ, ўсимлик ёғи, парҳез ун ва шакар қўшиб тайёрланади. Улар ўз таркиби жиҳатидан кўкрак сутига яқин туради. Бу аралашмаларга, чунончи, витаминлар ва минерал тузлар ҳам қушилган.

«Малютка» соғлом ва дунёга келган дастлабки кунларидан бошлаб касалланмаган болалар учун 1—2 ойлигигача, «Малиш» — 1—2 ойлигидан то бир ёшга тўлгунигача тавсия этилади. «Малиш» аралашмаси гуруч, ловия, гречиха уни ва ўз хоссаси жиҳатдан гуручга ухшаш толокна қушиб ишлаб чиқарилмоқда.

Энди ёш оналар ва оталарга бир неча маслаҳат. Ўзбекистон педиатрия илмий-тадқиқот институтининг ходимлари — медицина фанлари кандидати, чақалоқлар физиологияси ва патологияси бўлимининг мудири А. Азимжонова, чақалоқлар бўлими мудири С. Рожкова, овқатланиш лабораториясининг кичик илмий ходими Л. Файзуллаева ўртоқлар сизларга маслаҳатлар беришади.

Аралашмалар танёрлашнинг коробкаларида қайд қилинган усулларига аниқ риоя этиш жуда муҳимдир. Баъзибир оналар ва оувилар таом туниминроқ бўла қолсин, деб кастрюлкага андак кўпроқ аралашма солишга жазм этишади.

Эсингизда бўлсин, кучлантирилган овқат болада модда алмашинувининг бузилишига олиб келиши мумкин.

Врачнинг тавсиясисиз болага балиқ мойи ёки «Д» витамини препаратларини берманг, чунки у «Малютка» ва «Малиш» аралашмаларида зарур миқдорда мавжуд. «Д» витамини қолдиқлари организмда у етишмаганлигидан кам хавф туғдирманди.

Сунъий овқатлантирилаётган болага кефир ичириш жуда фойдалидир. Кефир болага икки ойлигидан бошлаб берилади ва аста-секин дастлаб биринчи, сўнгра эса иккинчи овқатлантириш у билан алмаштирилади. Шароатларни болага бир ойлигиданоқ беробошлаш лозим, дастлаб бир неча томчидан, сўнг унинг миқдори эҳтиёткорлик билан ошира борилади.

Таом тайёрлаётганда тозаликка риоя қилиш, айниқса, жуда муҳим: шиша идишларни ва сўргичларни пок-покиза қилиб ювиш ва қайнатиш, уларни тоза, берк идишларда сақлаш лозим.



«Малютка» ва «Малиш» билан овқатлантирилаётган болалар устида олиб борилган кузатишлар шуни кўрсатдики, кўкрак сути бериб боқилганига нисбатан бундай сунъий овқатлантириш ижобий натижалар берди.

«Малютка» ва «Малиш» аралашмаларидан фойдаланингиз. Уларни магазинларнинг сут ва боққоллик бўлимларидан сотиб олиш мумкин.

«Малиш» ва «Малютка» аралашмалари 9 ой муддатгача бузилмайди!

«УЗМЯСОМОЛТОРГ» РЕСПУБЛИКА БАЗАСИ,
«УЗТОРГРЕКЛАМА» ТЕЛЕПРЕССАГЕНТЛИГИ.

ТОШКЕНТ ШАҲАР ВЕТЕРИНАРИЯ-САНИТАРИЯ СТАНЦИЯСИ

ИТ ЭГАЛАРИГА

1 МАРТДАН 1 ИЮНГАЧА ҲАР КУНИ

(якшанбадан ташқари)

Ҳамма районлардаги ветеринария шифохоналари Итларни юқумли касалликларга қарши ветеринария муолажасини ўтказишни

МАЪЛУМ ҚИЛАДИ

1978 1 июнгача профилактик кўрикдан ўтказилмаган итлар олиб кетилади.

ТЕЛЕВИЗОР ЭКРАНИДА

2 МАРТ —ПАЙШАНБА

Марказий телевиденениинг «Восток» программаси

17.45 «Бир киши ҳамма учун, ҳамма бир киши учун». Ленинграддан олиб кўрсатилади. 18.30 Янгиликлар. 18.45 «Миллионлар ленинча университети». «Социалистик жамият ва оила». 19.15 Украина санъат усталарининг концерти. 20.20 «Софияга йўл». Кўп сериали телевизион бадиий фильм премьераси 5-серия. 21.30 «Бақт» информацион программаси. 22.00 «Ҳужжатли экран». Кўрсатувни шоир Р. Рождественский олиб боради. 23.55 Янгиликлар.

Ўзбекистон телевиденнесининг программаси

17.55 Кўрсатувлар программаси. 18.00 «Боцман». Болалар учун телефильм. 18.20 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Комсомоллар — тиним билмас қалблар». Ўзбекистон комсомолининг XXI съездига бағишланган кўрсатув. 18.50 «Ноз-неъмат бунёдкори». 19.10 «Ахборот» информацион программаси (рус.). 19.25 «Сен ҳақингда куйлайман, Ватан». Телевизион фильм-концерт. 19.50 Футбол бўйича VIII халқаро ўсмирлар турнири. СССР-1 — Украина терма командалари. 2-тайм. Репортаж (ёзиб олинган). 20.30 «Ахборот» информацион программаси. 20.50 Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Наима Пўлатова куйлайди. 21.30 Москва. «Бақт» информацион программаси. 22.00 «Ой бориб, омон қайт». Бадиий фильм. 23.20 Кўрсатувлар программаси.

Тошкент шаҳри ва Тошкент области учун программа

Тошкент кўрсатади. 18.55 Кўрсатувлар программаси. 19.00 «425-алоқага чақиради». Телевизион бадиий фильм. 1-серия (рус.). 19.45 Байрам олди рекламаси. 20.00 Тошкент янгиликлари. 20.20 «Француз тилида сўзлашишга ўрганинг». 20.50 Сиртдан ўқиётган студентлар учун. Назарий механика. 21.50 Сиртдан ўқиётган студентлар учун. Физика.

3 МАРТ — ЖУМА

Марказий телевиденениинг «Восток» программаси

9.00 «Бақт» информацион программаси. 9.35 Эрталабки гимнастика машғулотлари. 9.55 «Горкчилар, қаердасиз?». 10.25 Софияга йўл». Кўп сериали телевизион бадиий фильм. 5-серия. 11.35 «Қўшиқ. Романс. Вальс». 15.00 Телевизион ҳужжатли фильмлар программаси. 15.40 «Поэзия». Е. Баратинский. 16.10 «Шахмат мактаби». 16.40 Э. Оганесян. Симфония.

17.15 «Москва ва москваликлар». 17.45 «Қулоқда» айтилган гап». 18.30 Янгиликлар. 18.45 Қисқа метражли телевизион бадиий фильмлар премьераси. «Бизда янги одам». «Сел». 20.00 Кубок эгаларининг қубоги учун футбол бўйича 1/4 финал. «Реал бетис» (Севилья, Испания) — «Динамо» (Москва). Испаниядан олиб кўрсатилади. 21.30 «Бақт» информацион программаси. 22.00 «Останкино концерт студияси таклиф этади». 24.00 Янгиликлар.

Ўзбекистон телевиденнесининг программаси

11.25 Кўрсатувлар программаси. 11.30 Л. Н. Толстой. «Зиёфатдан сўнг». Адабиётдан ўқув кўрсатуви (рус.). 12.00 Мактаб ўқувчилари учун. «Ёш армиячилар мусобақаси». 13.00 «Ой бориб, омон қайт». Бадиий фильм.

17.40 Кўрсатувлар программаси. 17.45 Мактаб ўқувчилари учун. «Камалак». 18.15 «Комсомол— ёшлигим менинг». Телевизион ҳужжатли фильм («Ўзбектелефильм»). 18.30 «Фан» программаси. 18.55 «Чорвадор». Чорвадорлар учун кўрсатув. 19.15 «Ахборот» информацион программаси (рус.). 19.30 Балет кечаси. Самарқанд Давлат опера ва балет театри солистлари ижро этади. 20.30 «Ахборот» информацион программаси. 20.50 «Нафосат оламида». 21.30 Москва. «Бақт» информацион программаси. 22.00 Ўзбекистон комсомоли XXI съезди делегатлари ҳикоя қиладилар. 22.20 Ўзбекистон комсомоли XXI съезди делегатларига бағишланган санъат усталари ва ижрочи ёшлар концерти. А. Навоий номли Давлат Академик Катта театридан трансляция пайтида ёзиб олинган. 23.50 Кўрсатувлар программаси.

Тошкент шаҳри ва Тошкент области учун программа

Тошкент кўрсатади. 18.55 Кўрсатувлар программаси. 19.00 «425-алоқага чақиради». Телевизион бадиий фильм. 2-серия (рус.). 19.45 Байрам олди рекламаси. 20.00 Тошкент янгиликлари. 20.20 «Генетика ва пахтачилик». Биологиядан ўқув кўрсатуви. 20.50 Ўқитувчилар учун консультация. 21.20 Сиртдан ўқиётган студентлар учун. Химия.

4 БЕТ. ТОШКЕНТ ОҚШОМИ.

2 МАРТ, 1978 й.

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ», («ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ») — орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета

БИЗНИНГ АДРЕС: 700.000; ГСП, Тошкент, Ленин проспекти, 41. ТЕЛЕФОНЛАР: секретариат — 33-57-02, бўлимлар: партия турмуши — 32-53-66; саноат — 32-53-83; қурилиш—32-58-85; шаҳар хўжалиги —32-57-83; совет қурилиши ва ҳуқуқ — 32-54-19; фан, мактаб ва олий ўқув юртлари —32-53-10; адабиёт ва санъат —32-56-81; ахборот —33-28-95; спорт ва ҳарбий-ватанпарварлик ишлари — 32-58-85; хатлар — 33-29-70; вилоялар бўлими —33-81-42.

Р—07499.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64579. Нашр Д—1248.